

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ҚАРЗДОРЛАР РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚАРИЛМАЙДИЛАР 2009 йил 14 январдаги ўРҚ-199-сон

**Конун** билан ижро ишини юритишни такомиллаштириш муносабати билан баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сондаги ҳужжатлар пакетига чоп этилмоқда).

**Хусусан, Жиноят кодексига ўзгартишлар киритилди.** Чунончи, муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш учун жиноий жазо фақат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин қўлланилиши мумкин (бундан суд ҳужжатининг ижро этилишига тўқинлик қилиш мустасно). Мансабдор шахсларга эса мазкур жиноят учун янада қатъий жазо назарда тутилган бўлиб, улар беш йилгача озодликдан маҳрум қилинишлари мумкин.

Энди банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этишга банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш ҳам кирди.

**Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** суриштирув органларига энди Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ҳам – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича кирди.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс** қарздорнинг ижро ҳужжатини ва суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этмаслиги учун жавобгарликни назарда тутадиган моддалар билан тўлдирилди.

**Фуқаролик процессуал кодекси, Ер кодекси ва Ҳўжалик процессуал кодекси** ижро ишини юритиш қисмида юқоридаги ўзгартишлар билан мувофиқлаштирилди, шу жумладан ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор аниқлаштирувчи меъёрлар билан тўлдирилди.

**«Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонундаги ўзгартишлар** билан белгиланишича, дехқон хўжалиги аъзолари дехқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ дехқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади.

**«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга** ҳам муҳим аҳамиятга эга ўзгартишлар киритилди. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби янги тахрирда баён этилди. Ижро ишини юритишда иштирок этувчи шахслар суд ижроси томонидан чиқарилган қарорлар ҳақида, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ижро ҳаракатлари тўғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳақида хабардор

қилиниши кераклиги белгиланган. Битта қарздорга нисбатан қўзғатилган, мулкий тусга эга бўлган бир нечта ижро ҳужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича қўзғатилган ижро ишини юритишлар йиғма ижро ишини юритишга бирлаштирилади.

Қарздор жисмоний шахс томонидан ижро ҳужжатида талаблар белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, суд ижроси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан унинг Ўзбекистон Республикасидан чиқилиши вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли (1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида» 820-1-сон Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди).

Қонун қарзни чет эл валютасида ҳисоблаб чиқаришда ундирувчи қарздорнинг пул маблағларига; қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва унинг миқозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига; айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятларини тартибга соладиган янги меъёрлар билан тўлдирилди. Шунингдек бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, кўпгина меъёрлар эса янги тахрирда баён этилган.

**Қонун 2009 йил 15 январда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

### КОНВЕНЦИЯ ТАСДИҚЛАНДИ

**Президентнинг 2009 йил 5 январдаги ПҚ-1028-сон қарори** билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати ўртасида 2008 йил 18 ноябрда Ар-Риёд шаҳрида тузилган, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ва даромад ҳамда капитал солиғи тўлашдан бўйин товлашни бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция тасдиқланди.

### АЖ Тўғрисида ХАБАРДОР ҚИЛАДИЛАР

**Президентнинг 2009 йил 5 январдаги ПҚ-1030-сон қарори** («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарорига илова) қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ, рўйхатга олиш органлари акциядорлик жамиятлари бўйича маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ваколатига эга давлат органига расман тақдим этадилар.

### ОИТСга ҚАРШИ ҚУРАШГА ДОИР

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1-сон қарори билан куйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:

– Республика ОИТСга қарши кураш мар-

кази тузилмаси ва минтақавий марказларнинг намунавий тузилмаси;

– ОИТСга қарши кураш марказлари тўғрисида низом. Улар аҳолига ОИВ/ОИТС диагностикаси, уни даволаш ва унинг профилактикаси бўйича ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш ва тиббиёт муассасаларига ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни даволашнинг замонавий усуллари жорий этилишини методик таъминлаш учун ташкил этилмоқда. Республика ОИТСга қарши кураш марказига қўшимча равишда куйидаги мажбуриятлар ҳам юкланмоқда: ОИВ инфекциясига чалинган беморларга юқори малакали ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ва стационар ёрдам кўрсатиш, шунингдек ОИВ инфекцияси масалалари бўйича тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини мунтазам ташкил этиш;



– 2009–2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режаси. Унда ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси ва олдини олиш тадбирларининг тармоқ ва ҳудудий режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бепул донорлик фаолияти доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш, ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш ва кўплаб бошқа чора-тадбирлар назарда тутилган.

### ЖОНАЖОН ШАҲРИМ... ШАҲРИСАБЗ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 январдаги 3-сон қарори билан** (рус тилида тасдиқланган) асосий қоғозлар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан Шаҳрисабз шаҳрининг бош режаси, шунингдек шаҳар чизиги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Бош режада ҳудудий ривожланиш, транспорт алоқаси, функционал зоналар, аҳоли, тураржой фонди белгиланган. Унинг архитектура-режалаштириш тузилмасини бундан олдинги бош режага киритилган ривожла-



ниш тамойиллари, мазкур босқичда иқтисодий-ижтимоий жамиятнинг аҳволи ҳамда табиий шароитларнинг хусусиятлари белгилаб берди. Мўминобод, Чоршанба, Гарафчашма ариқлари негизда ривожлантирилган кўк-ламзорлаштириш, сув чиқариш тизимлари шаҳар микроклимининг яхшиланишига ёрдам беради. Атроф муҳитга таъсирни баҳолашнинг кўрсатишича, Шаҳрисабз атрофидаги режалаштириш-функционал ва муҳандислик ислохотлари бўйича лойиҳада назарда тутилган қарорларнинг бажарилиши унинг экологик аҳволига ижобий таъсир кўрсатади.

### БИР ЧОРАКДА БИР МАРТА ҲИСОБОТ БЕРИНИГ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 январдаги 6-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоботлар юритиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** НППларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар ўз фаолияти тўғрисида (ишлаб чиқарилган, тайёрланган, олиб келинган (олиб кетилган), сотилган, фойдаланилган НППлар миқдори тўғрисида) тасдиқланган шакллар бўйича чораклик ҳисоботни ҳисобот давридан кейинги ойнанинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йиллик ҳисоботни эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25-январигача бўлган муддатда тақдим этишлари керак. Ҳисоботлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техникалар сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг Наркотик воситаларни назорат қилиш қўмитасига тақдим этилади. Бундан ташқари, юридик шахслар чораклик ва йиллик ҳисоботлари нусхаларини ўзларининг юқори ташкилотига ҳам тақдим қилишлари лозим. Белгиланишича, Низомда назарда тутилган маълумотларни тақдим этмаганлиги ёки тақдим этиш муддатларини бузганлиги, шунингдек нотўғри ҳисобот маълумотлари берганлиги учун юридик шахслар раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 1 январдан 16 январгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 1-2-сон асосида тайёрланди.**

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

<p><b>УШБУ СОҒДА</b></p>	1-бет	2-3-бетлар	5-6-бетлар	7-18-бетлар
	Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар	Адвокатда ваколат кўпаяди	Юридик маслаҳатлар	Янги қонун ҳужжатлари
	\$1 = 1398,37 сўм	€1 = 1952,54	£1 = 2149,57 сўм	¥10 = 153,87 сўм

**INTER-PRESS** АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Белла Тегга • Baby Тегга • Jannat Makon • 7 днел • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2009  
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

119-0000  
155-0955

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

Қонун  
кучга кирди

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 4-5 декабрь кунлари бўлиб ўтган XVI ялпи мажлисида жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бир неча қонунлар маъқулланди. Ана шундай қонунлардан бири «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Мазкур Қонун 2009 йил 1 январда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Қонуннинг асосий мақсади шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган, фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура институти янада ислоҳ қилишдан иборатдир. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи ҳам суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларга тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган.

Янги йилдан кучга кирган Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, ЖПКга киритилган янги тартиб-қоидалар билан айбланувчи (ЖПК 46-моддаси), гумон қилинувчи (ЖПК 48-моддаси), ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилди. Масалан, эндиликда айбланувчи ёки гумон қилинувчи қамоққа олингани ёки турган жойи тўғрисида адвокатига ёки яқин қариндошларига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, шунингдек, ҳимоячиси билан сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашиши, ишдаги ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки бошқа шаклда қайд этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шу билан бирга, айбланувчи ва гумон қилинувчига кўрсатув беришдан бош тортиш ёки рад этиш ҳамда кўрсатувларидан жиноят ишига доир далил сифатида фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий

жавобгарларга ҳам ўз ҳисобидан ишдаги ўзига тегишли бўлган ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида кўчирма нусхалар олишига имкон яратилди.

Энг муҳими, мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига «Гувоҳнинг адвокати» деб номланган янги 66-модда киритилди. Унга кўра, гувоҳга жиноят ишининг исталган босқичида, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилди. Ушбу моддага мувофиқ, гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатгач ва ордер тақдим этгач, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади. Шу билан бирга, жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас. Ушбу моддада гувоҳ адвокатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилди. Мазкур Кодекснинг 114-моддасига киритилаётган ўзгартишларда сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчинини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилиши назарда тутилди. Адвокат сўроқ тугаганидан кейин гувоҳ ва жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузил-

ганлиги тўғрисида арз қилишга ҳақли, унинг ана шу арзлари сўроқ қилиш баённомасига киритилиши лозим. Шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга.

Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг «Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 66-моддаси гувоҳларга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, шунингдек тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга ҳозир бўлиш, ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини берадиган норма билан тўлдирилди.

Қонун ҳужжатларига киритилган яна бир янгилик шундан иборатки, унга биноан ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат ва нодавлат ташкилотларига сўров юбориш ва улардан ҳужжатлар, тушунтириш олиб ишга қўштириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Айни шу ҳуқуқнинг тўлиқ таъминлини мақсадида ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида белгиланган талаб, яъни адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш, адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш каби адвокатнинг профессионал фаолиятини бажаришга халақит қилганлик


ушун қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ёки адвокатларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига тўсқинлик қилганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилмаган эди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига адвокатнинг профессионал фаолиятига, яъни унинг сўровига жавоб тақдим этмаслик, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш мақсадида қандай шаклда бўлса ҳам таъсир ўтказишда ёхуд унинг ишонч берувчи (ҳимоя остидаги шахс) шахс манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришишда акс этган тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 197-модда киритилди.

Гувоҳнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча механизм яратиш мақсадида ЖКнинг 240-моддасида жиноят процессини юритиш қатнашчилари ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаганлиги учун жавобгарлик белгилаш билан бирга, бундай ҳолатда жавобгарликка тортилмаслиги керак бўлган жиноят процесси иштирокчилари кўрсатилган қаторга **гувоҳ ҳам киритилди**. Унга кўра, энди гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганлиги учун жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳимоячининг ҳуқуқлари «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунда ва Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳрирда берилган «Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш» деб номланган 10-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи,

Жиноят-процессуал кодексининг 46 ва 48-моддаларига киритилган ўзгартишларда айбланувчининг ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан, мазкур шахсларга қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашиш ҳуқуқи, кўрсатувла беришдан бош тортиш ҳамда берган кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, шунингдек материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш



ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқи берилди.

Жиноят процессининг исталган босқичида юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган конституциявий норма амалга ошириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳимоячи» деб номланган 49-моддаси жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатланиш

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 20 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	954,25	1 Малайзия ринггити	391,92
1 Англия фунт стерлинги	2149,57	1 Польша злотийси	438,48
1 Дания кронаси	250,77	1 СДР	2117,80
1 БАА дирҳами	380,71	1 Туркия лираси	863,51
1 АҚШ доллари	1398,37	1 Швейцария франки	1252,12
1 Миср фунти	254,25	1 ЕВРО	1952,54
1 Исландия кронаси	11,06	10 Жанубий Корея вони	10,29
1 Канада доллари	1128,35	10 Япония иенаси	153,87
1 Хитой юани	204,56	1 Россия рубли	42,93
		1 Украина гривнаси	181,61

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	21.01.2009	1	0,8045	1	1,0439	1	0,0244
Арманистон	21.01.2009	1	305,6	1	395,63	1	9,33
Беларусь	22.01.2009	1	2675,00	1	3459,85	1	81,95
Грузия	21.01.2009	1	1,668	1	2,1589	1	4,9917
Қозоғистон	22.01.2009	1	121,31	1	156,72	1	3,68
Қирғизистон	17.01.2009	1	40,0338	1	52,9027	1	1,229
Латвия	22.01.2009	1	0,542	1	0,702804	1	0,0165
Литва	22.01.2009	1	2,6756	1	3,4528	10	8,2094
Молдова	21.01.2009	1	10,4997	1	13,6077	1	0,3135
Тожикистон	21.01.2009	1	3,5089	1	4,7807	10	1,0454
Ўзбекистон	20.01.2009	1	1398,37	1	1952,54	1	42,93
Украина	21.01.2009	100	770,00	100	995,61	10	2,3043
Эстония	21.01.2009	1	12,0786	1	15,6466	1	0,368545

Манба: www.prime-tass.ru

• РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган

**STS LOGISTICS**  
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни «эшиқдан эшиқкача» етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ  
СОҒДА:

- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Жиноят процессида ҳимоя ҳуқуқи кенгайтирилмоқда
- ✓ Фуқаролар манфаати йўлида 1-3-бетлар
- ✓ МОЛИЯ БОЗОРИ
- Кредит уюшмаси ва банк: нима фарқи бор?
- 4-бет
- ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
- Сиртдан овоз бериш

- Резидент учун 183 кун 5-6-бетлар
- ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни:
- «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:

- «Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
- УзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ бош директорининг «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси МББнинг «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
- УзР молия вазирининг «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.
- 7-18-бетлар
- 19-24-бетлар
- ✓ top

# ҲУҚУҚИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

эркинлигига бўлган ҳуқуқи ҳақиқий чекланган пайтдан эътиборан ишда ҳимоячи иштирок этишига йўл қўйилиши таъминлайдиган норма билан тўлдирилди. Мазкур Кодекснинг «Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 53-моддасига киритилган ўзгаришлар ҳимоячининг ҳуқуқларини анчагина кенгайтди. Ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, муайян ишни олиб бориш учун ордер тақдим этгач, ишда иштирок этиш ҳуқуқига, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш, мутахассисни тушунтириш бериш учун жалб қилиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари ҳимоячи, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, улар билан жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли. Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг 55, 57 ва 59-моддалари жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга ва фуқаровий жавобгарга материаллар ҳамда ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёхуд уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқини берадиган нормалар билан тўлдирилган.

Жиноят-процессуал кодексининг «Мутахассис» деб номланган 69-моддасига киритилаётган ўзгаришлар суриштирувчи, терговчи, про-

курор ва суд томонидан мутахассис ҳимоячининг илтимосномасига кўра жалб этилиши мумкинлиги белгиланди. Кодекснинг «Далиллар тўплаш» деб номланган 87-моддасида эса ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаши тартиби аниқлаштирилди. Шу билан бирга ҳимоячининг ўзи тўплаган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши шартлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби» деб номланган 224-моддаси ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шартлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан биринчи холи учрашувига, Кодекснинг 230-моддасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, сўроққа қадар рухсат берилади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгаришлар билан «Адвокат» тушунчаси таърифи бағишланган 3-модда адвокатнинг асосий адвокатлик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши тақиқловчи норма билан тўлдирилди (илмий ва педагогик фаолият, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият бундан мустасно). Ушбу

Қонунга киритилган, адвокат мақомига эга бўлиш тартибини белгилайдиган 3<sup>1</sup>-моддага кўра, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида тузиладиган малака комиссияларининг (13-модда) қарорлари асосида берилади. Айни вақтда лицензия олиш учун рияз этилиши шарт бўлган янги талаб ҳам киритилди. Бу юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш, шу жумладан адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган бўлиш талабидир. Шунингдек, малака имтиҳонини топширган шахс уч ой ичида лицензия олиш учун адлия органларига мурожаат қилиши кераклиги, бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда мазкур шахс малака имтиҳонини такроран топшириши шартлиги назарда тутилди. Адвокатлик талабдор лицензия олганидан кейин уч ой ичида адвокатлик қасамёдини қабул қилиши ва адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига аъзо бўлиб кириши шарт. Адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабдор фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органлари томонидан қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида талабдорга адвокатлик мақоми олганлигини ҳам тасдиқлайдиган гувоҳнома берилади. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси гувоҳнома берилганлиги ҳақидаги хабарномани олган пайтдан эътиборан адвокат Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади.

Амалдаги Қонуннинг 4-моддасига киритилган ўзгаришлар билан адвокатура фаолиятининг янги таш-

килий шакли – юридик маслаҳатхоналар жорий этилди. Юридик маслаҳатхоналар бошқа адвокатлик тузилмаларидан (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати) фарқли равишда рўйхатдан ўтказилмайди, балки адлия органлари томонидан ҳисобга олинади. Шу билан бирга адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди. Қонунга киритилаётган 4<sup>1</sup>-4<sup>4</sup>-моддаларда адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек уларни ташкил этиш тартиби ўз аксини топган. «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун адвокатлар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан белгиладиган тартибда уч йилда камида бир марта касб малакасини ошириш мажбуриятини юклайдиган норма (7-модда), адвокатнинг стажёри мақоми белгилайдиган 8<sup>1</sup>-модда, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим (шартнома) тузишнинг умумий қоидаларини белгилайдиган 9<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини тузиш тартибини, тузилмасини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайдиган тўртта (12<sup>1</sup>-12<sup>4</sup>) модда билан тўлдирилди. Қонуннинг 13<sup>1</sup>-моддасида адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан адвокат мақоми тўхтатиб туриш тартиби ва асослари белгилаб қўйилди. 14-моддада адвокатнинг интизомий жавобгарлиги чоралари аниқлаштирилди. Чунончи, мазкур чораларни қўллашга адвокат томонидан қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда Адвокатнинг касб одоби қоидаларини бузганлиги асос бўлади. Юқорида

кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, адлия органи ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан интизомий иш қўзғатиш учун адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими ҳам асос бўлади. Бунда интизомий жазо чоралари оголантириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатишдан иборат бўлади. 15-моддага мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга адвокатнинг жиноий жавобгарликка тортилиши, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб одоби қоидалари ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланиши, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги асос бўлади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш асослари мазкур Қонуннинг янги тахрирдаги 16-моддасида баён этилган.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазибалардан бири ҳисобланган адвокатура институтини янада эркинлаштириш ва адвокат фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида нодавлат ташкилотларидан бири бўлган адвокатуранинг ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

**Нодир МУХТОРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Амалдаги қонун ҳужжатлари**  
**мониторинги институти**  
**етакчи илмий ходими.**

## ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни мажбурий суғурталаш тизими самарадорлигини оширишнинг муҳим шакли – транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга йўналтирилгандир.**

Мазкур қонунга асосан 2009 йилнинг 22 январига қадар автотранспорт эгалари транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мулкига зарар етказганлиги учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши мажбурилиги белгиланган.

Ҳукумат қарорига кўра, автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўққизта суғурта компанияси фаолият олиб бормоқда. Булар «Ўзбекинвест», «Ўзагросуғурта», «Kafolat» «Ishonch» «Alskom» «Asia Inshurans» «Alfa Invest» «Kapital Sug`urta» «Universal Sug`urta» компанияларидир. Шунингдек, бу ишни амалга оширишда кўплаб муассаса ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат суғурта назорати бўйича инспекцияси, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш фонди, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси қатнашмоқда.

Суғурта компаниялари томонидан ав-

томобиль эгаларига сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда, моддий-техник базани мустаҳкамлаш чоралари кўриляптир.

«Kafolat» давлат акциядорлик суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Равшан Нарзуллаевнинг айтишича, мазкур тадбирнинг сўнгги кунларигача автомобиль эгалари билан қизғин ишлар олиб борилмоқда.

– Мажбурий суғурта қилишнинг ушбу шаклини ривожлантириш зарар кўрганларнинг мулкий манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, зарар етказган шахснинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, у суғурта тўловини амалга ошириш ва келтирилган зарарни қонунда кўрсатилган миқдорда компенсация қилиш имконини беради, – дейди Р.Нарзуллаев. – Бош офисимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича департамент ташкил қилинган. Республикаимизнинг барча вилоятларида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 200 дан ортиқ по-

лислар сотуви шохобчаларини очдик, барча бўлинмалар замонавий компьютер техникалари билан таъминланди. Бу эса полис маълумотларини рўйхатга олиш ва уларни топшириш бўйича махсус дастурий маҳсулотни жорий қилиш имкониятини яратди. Шунингдек, аҳоли ўртасида кенг миқёсдаги тушунтириш ишлари олиб борилди, корхона ва ташкилотларда «Kafolat» ишчилари учун доимий асосда ўқув курслари ва семинарлар ташкил қилинди.

Бугунги кунда компаниямиз томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича «Kafolat» мажбуриятлари ҳажми 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 40 мингдан зиёд полислар берилди. Ўйламанки, ҳали вақт бор ва бу якуний рақамлар эмас.

– Компания ишчилари менга тез ва сифатли хизмат кўрсатганларидан жуда мамнунман, – дейди «Kafolat» компанияси мижози К.Тожибоев. – «Матиз» автомобил бор. Барча зарур ҳужжатларни тақдим этганимдан сўнг, суғуртачилар тезда ҳисоб-китоб қилиб беришди ва 23 минг 500 сўм тўлаб суғурта полисини олдим. Янги жорий қилинган тизим биз учун ҳам, суғуртачилар учун ҳам жуда қулай ва фойдали. Фавқулодда ҳолатларда ким ва нима учун, қанча миқдорда жавобгарлиги қатъий белгиланган.



Ўз вақтида фуқаролик автомажбуриятини расмийлаштирмаган кишилар жаримага тортилади. Қонунга рияз этмаган автомобиль эгаси энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан, мобо до автомобиль юридик шахсга тегишли бўлса, энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан жарима тўлайди.

Мутахассисларнинг тушунтиришича, агар фуқаро жорий йилнинг 22 январидан сўнг автомашина харид қилса, бундай ҳолда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, автомобиль рўйхатга олинганидан кейин, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича полисни ҳам олиши шарт.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича умумий ҳисобда уларни сотадиган беш мингдан зиёд шохобча ва агентликлар фаолият олиб бормоқда.

Ў.А.

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури\* да мамлакат молия бозорида банк секторини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бутун мажмуи назарда тутилган. Кенг қўламли ишни амалга ошириш бўйича муҳим тадбирларнинг бири – келгусида ҳам бўш пул маблағларини банк муомаласига жалб этиш ҳамда нақд пул-сиз ҳисоб-китобларнинг ўсиб боришини таъминлаш. Асосий кредит муассасаларидан нафақат мини-банклар, махсус ва омонат кассалар тармоғини кенгайтиришга инвестицияларни амалга ошириш, балки микро-кредитлар ва истеъмол кредитлари бериш тизимини ривожлантиришга эътиборни ошириш, банкларнинг ресурс негизини кенгайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини узоқ муддатли асосда (1 йилдан ортиқ) банк депозитларига жалб этиш ишини кучайтириш ҳам талаб этилади.

## КРЕДИТ УЮШМАСИ ВА БАНК: НИМА ФАРҚИ БОР?

### БОЗОРНИНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Банклар аввалгидек молия бозорида етакчи тадбиркорлик субъектлари бўлиб қолишмоқда. Бироқ, ўтган йиллардан фарқли равишда, депозит ҳисоб-рақамларига фуқароларнинг омонатлари ва корхоналарнинг бўш маблағларини жалб этиш бобида банклар ҳамжамиятига кредит уюшмалари рақобатчи бўлиб чиқдилар, ушбу соҳада яна бир кучли ўйинчи – суғурта компаниялари ҳам пайдо бўлмоқда. Мажбурий суғурта янги турларининг фаол татбиқ этилиши суғурталовчилар олдида ресурс негизини тез ўстириш имкониятини очмоқда ва уларни жалб этилган активларни бошқариш, ва жойлаштиришнинг самарали йўллари излашга ундаши аниқ.

Мамлакатимиз молия бозорида воқеаларнинг бундай ривожига ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасидаги молия ресурсларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган давлат сазй-ҳаракатларининг фаоллаштирилиши сабаб бўлди. Ушбу сиёсат давлат раҳбарининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Фармонида\*\* ҳам акс этган. Хусусан, кичик бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида айланма маблағларни тўлдиришга кредитларни беришнинг энг юқори муддатини 12 ойдан 18 ойгача узайтириш мўлжалланган. Жорий йил мобайнида тижорат банклари томонидан белгиланган нормалар доирасида янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни устувор асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредитлаш жамғармасининг ресурс базасини кенгайтиришга йўналтирилган пул суммалари икки баравар оширилди.

Кредит муассасалари ўртасидаги рақобатнинг кучайиши жойлаштирилган шахсий жамғармаларнинг фойда келтириш имкониятини ҳам анча кўпайтиради. Гап фақат истеъмолчи маблағларни сақлаш муддатлари ва депозит ҳисоб-рақамлари бўйича фоиз ставкалари турлича бўлган кредит муассасаси ва банк маҳсулотларини танлаш имконининг берилиши ҳақида кетаётгани йўқ. Балки фуқароларда илк мартаба шунчаки омонатчи бўлиб қолмасдан, инвестиция қилиш учун янада жозибали бўлган объектларни топиб, ўз жамғармаларини бошқаришни ўрганиш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Фикримизча, банкларнинг иш жараёни ва улар ўз мижозлари билан муносабатларни қай тарзда йўлга қўйишлари ҳақида аҳоли етарлича хабардор. Зеро «банк» сўзи оммабоп бўлиб, деярли ҳар бир киши у ҳақида тушунчага эга. Кредит уюшмалари (КУ)га келсак, уларнинг хизматларидан ҳозирча тор доирадаги жисмоний ва юридик шахслар фойдаланадилар. Қисман бунга КУ молия бозорида нисбатан янги тузилма бўлиб, миқдор жиҳатидан банклардан анча орқада туриши ҳам сабабчидир. Навоий вилоятида республика миқёсидаги деярли барча банкларнинг ваколатхоналари очилган бўлиб, улар ўз филиаллар тармоғини фаол ривожлантириб бормоқдалар. Вилоятда рўйхатдан ўтказилган уюшмалар эса атиги учтадир. Бунинг устига КУлар шаҳардан ташқарига чиқишга шошилишмаяпти, улардан иккитаси эса бозорда эндигина биринчи календар йил фаолият кўрсатмоқда.

Навоий вилоят марказидан жой олган бир кредит уюшмаси мисолида кўриниб турибдики, ушбу бизнес ғоятда истиқболли ва тез ўсувчан бўлиши мумкин. Дастлабки 70 нафарга яқин пайчини бирлаштирган мазкур уюшма 2007



йилнинг тўртинчи чорагида иш бошлаган. 2008 йилнинг охирига келиб пайчилар сони 300 кишидан ошиб кетди, айланма миқдори 400 млн сўмга етди, молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига кўра ҳар бир пайнинг даромадлилик даражаси 50-60 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Ҳар ким банк мижози бўла олади, кредит муассасаси кўрсатаётган хизматлар ҳам оммабопдир. Кредит уюшмасининг қарз маблағларидан фойдаланиш ва унда депозит ҳисоб-рақамини очиш ҳуқуқи эса фақат унинг пайчиларига берилган. Буни аънавий кредит муассасалари ва КУлар ўртасидаги ягона ва муҳим фарқ дейиш мумкин. Хизматлар кўрсатиш доирасида бошқа алоҳида фарқлар мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, мазкур бозор иштирокчиларининг бизнес-режаларига таъсир қиладиган баъзи ўзига хос жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Банкларнинг ресурс базаси КУларнинг жами капиталидан ошиб кетишига шубҳа қиладиган одам бўлмаса керак. Ёки, мисол учун, яна бир «арзимас» жиҳат: фуқароларнинг банклардаги депозит ҳисоб-рақамлардаги омонатлари бўйича даромадларига даромад солиғи солинмайди – КУ омонатчилари учун ушбу имтиёз фақат 2009 йилдан бошлаб амал қилишни бошлади\*\*\*.

Банклар ҳам, КУлар ҳам бевосита битта орган – Марказий банкка бўйсундилар. Уларга лицензияни МБ беради, эмиссия маркази улар фаолиятини назорат қилади, молия-хўжалик амалиёти эса бир талай ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бундай қаттиқ васийликни тушуниш осон ва у эътирозларга сабаб бўлиши мумкин эмас. Зеро молия бозоридаги барқарорликка осонликча эришиб бўлмайди. Банкларда ликвидлик бўйича муаммолар юзага келишидан бошланган бутун сайёра миқёсидаги сўнги молиявий инқироз бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу офат республикани четлаб ўтганидан англаш мумкинки, олиб-сотиш капиталидан фойда олишга эмас, балки иқтисодийнинг реал сектори эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган молия бозори вақтинчалик молиявий-иқтисодий қийинчиликларга бардошлидир.

### РАҚОБАТ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР

Ҳатто қатъий назорат ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичаларга бўлган талабларга қарамасдан бозорда рақобат ва новацион қарорлар қабул қилиш учун имкониятлар сақлаб қолинмоқда. Масалан, юқорида келтирилган КУ раҳбарларининг тасдиқлашича, депозит ҳисоб-рақамларига қўйилмаларга доир фоиз ставкаси банклардаги ҳар қандай энг юқори ставкадан 20 фоиз кўпдир. Пайнинг энг кам қиймати – 5 000 сўм ҳам пайчилар қаторининг кўпайишига имкон яратмоқда. Дарвоқе, уюшманинг кўпгина «акциядорлари» худди шундай қилдилар, улар «пассив» пайчидан КУ бизнеси рентабеллигининг ўсишидан манфаатдор инвесторгача бўлган йўлни босиб ўтдилар. Кишилар энг кам қийматли пайларни харид қилишар, депозит ҳисоб-

рақамларини очишарди, кейин эса омонат суммаси ва унинг фоизларини пайга қайта инвестициялашни илтимос қилиб ариза ёзишарди. Айтиш жоизки, бундай айланма баъзан анча-мунча пул маблағи келтиради. Ушбу КУ бўйича омонатдан пайгача пулларнинг рекорд даражада оқиб келиш ҳажми 10 млн сўмни ташкил қилган. Фойда олиш эҳтимоли даражаси 50-60 фоиз бўлган бу каби инвестицияларни муваффақиятли капитал қўйилма деб ҳисоблаш мумкин.

КУ фаолиятининг умумий механизмида кўпчиликка ислохотдан олдинги даврда амал қилган ўзаро ёрдам кассаларидан таниш бўлган унсурни англаш қийин эмас. Кредит уюшмасида ҳам худди шундай – ҳамма афзалликлар фақат «ўзимизникилар» учун. Бироқ КУ – хайрия ҳамжамияти эмас (фонд бозорида фаолият юритиш ҳуқуқини олган банклардан фарқли ўлароқ – **муаллиф изоҳи**) ва ундаромад олишнинг фақат икки манбаи мавжуд: операцион хизматлар учун олинган ҳақ ва берилган кредитлардан олинган маржа.

Гарчи КУда амал қиладиган қарз маблағларини бериш қоидалари банклар қўллайдиган талаблардан унчалик фарқ қилмаса-да, ҳар ҳолда муайян фарқлар мавжуд. Улардан бирини яққол кўриш мумкин. Банклар ўз мижозларига кредит беришади, КУлар уюшма аъзоларига нақд пул маблағлари берадилар. Ссуда капитали «манбаси»ни танлашда кўпчилик қарз олувчилар учун нақд пулни қарзга олиш имконининг мавжудлиги муҳим ўрин тутди. Асосан нақд пул массаси билан муомала қилиши сабабли КУлар шу жиҳатдан банкларга нисбатан анча жозибалироқдир.

Чунончи, юқорида кўрсатиб ўтилган КУдан йиллик 5-6 фоизлик ставка бўйича бир ой муддатга 100 минг сўмда! 10-млн сўмгача кредит олиш мумкин. Бирдан-бир ноқулайлик – банкларда бўлганидек, уюшмада ҳам ҳозирча қарз олувчиларга пул маблағларини узоқ муддатга бериш имкони мавжуд эмас. Пайчи КУдан пул олишга муваффақ бўлган энг узоқ муддат 6 ойдан ошмаган, 2009 йилдан бошлаб у бир йилгача узайтирилди. Бироқ қарз олувчиларга ҳам хуш келадиган янгилик бор. Кредит шартномаси бўйича у келишувнинг бутун муддати давомида, белгиланган муддатларда фақатгина фоизларни тўлаши ҳамда энг охириги муддат – шартнома амал қиладиган сўнги ойда кредитнинг бутун суммасини ва қолган фоизларни тўлаши керак. Яна бир имтиёз. Қарз олувчида кредит тарихи пайдо бўлди. Яъни у камида тўрт марта 5-6 млн сўм ва ундан кўп суммада кредит олган ва кредит келишувларининг барча шартларига амал қилган. Бундай пайчи КУдан гаров бермасдан ёки учинчи шахсларнинг кафолатисиз 1-1,5 млн сўм кредит олиши мумкин. Бошқа ҳар қандай кредит муассасасида бўлгани каби, бу ерда ҳам қарз бериш қоидаларини бузганлик учун қаттиқ чора мавжуд: тўловнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун кредит умумий суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлаш керак.

### ЎЗИНГИЗГА ЁҚҚАНИНИ ТАНЛАНГ

КУ кредит ресурсларини олиш манбаси сифатидагина эмас, балки инвестициялаш объекти сифатида ҳам қизиқиб уйғотган тақдирда уни танлашда нималарга эътибор бериш лозим? Ҳар қандай уюшмада пайчилар ва улар билан бирга ушбу КУни амалда тузган аффилиланган шахслар мавжуд. Уларда ривожланиш ва муайян миқдорда пул маблағини йиғиш учун вақт бўлган. Энди эса уларда янги пайчилар билан фойдани бўлиши истаги йўқ, кираверишдаги эшикка «кириш ман этилади» деб ҳам ёзиб қўя олмайдилар. Шу сабабли, бегоналарни яқин йўлатмаслик учун амалдаги пайчиларнинг йиғилишларида қабул қилинадиган қарор орқали янги кириб келаётган пайчилар учун пайнинг энг юқори миқдорини, дейлик, 10 000 сўм этиб белгилайдилар ва олинган фойдани мавжуд бўлган пайларга қайта инвестиция қилишни таққиллайдилар. Баъзи баҳолашларга кўра бундай «янгиликлар» асосан эскидан мавжуд бўлган КУлар томонидан жорий этилади. Кўринишича, сунъий равишдаги бундай тўсиқни КУлар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш йўли билангина бартараф этиш мумкин. Эски ва янги КУлар ўртасида чегара пайдо бўлганлиги хусусида икки тоифага бўлинган КУлар профессионал бозор иштирокчиларининг ҳар хил бирлашмаларига тарқалиб кетгани далолат беради. Эски КУлар Кредит уюшмалари ассоциациясига жипслашганлар, янгилик эса ўз «касаба уюшмаси» – Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг миллий ассоциациясини шакллантирдилар. Кредит уюшмасида пул ишлаб олишни хоҳловчилар ҳозирча эътиборларини ҳали етарлича ривожланишга улгурмаган, янги тузилган уюшмаларга қаратишлари яхшироқдир.

Амир МАХМУДОВ.  
Навоий шахри.

\*Президентнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-726-сон қарорига 1-илова.

\*\*2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармон.

\*\*\*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги Солиқ кодексида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» УРҚ-196-сон Қонун томонидан Солиқ кодекси 179-моддасининг 17-бандига киритилган ўзгартишларга мувофиқ.



**Мени МЧЖ директори этиб тайинлашди. Жамиятимизда 10 нафар иштирокчи бор. Ҳозир муҳим қарорларни қабул қилиш учун умумий йиғилиш ўтказиш зарур. Бироқ айнан ҳозир муассисларнинг кўпчилиги сафарда. Бирдан-бир илож – йиғилишни сиртдан ўтказиш. Мен директор сифатида уни ўтказиш ташаббускори бўла оламанми? Сиртдан овоз беришнинг қоидалари қандай?**

МЧЖ директори.

## СИРТДАН ОВОЗ БЕРИШ

– Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни тезда кўриб чиқиш зарур бўлганда амалдаги қонунчилик бундай овоз беришни сиртдан (сўров йўли билан), яъни иштирокчиларнинг биргаликдаги иштироки-сиз ўтказиш имкониятини беради.

Сиз жамият директори сифатида навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақиришга ҳақлисиз, чунки «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) 32-моддасининг учинчи қисмига кўра ижро этувчи орган зарур ҳолларда навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўз ташаббусига биноан чақириши мумкин. Бироқ сўров йўли билан кўп масалаларни ҳал этиб бўлса-да, ҳаммасини ҳал этиб бўлмастлигини билиш керак. Чунинчи, Қонун 36-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ сиртдан овоз бериш йўли билан куйидаги масалалар бўйича қарор қабул қилиниши мумкин эмас:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш;
- жамият устав капиталининг миқдори-ни ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- агар жамиятнинг уставига кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, уни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

– жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

- жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш;
- жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Қонунда назарда тутилган, умумий йиғилишининг муқаддим ваколатларига кирадиган бошқа масалалар.

Бироқ ушбу масалалар ҳам, агар бундай қоида жамият уставига бевосита назарда тутилган бўлса, сўров йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

Сиртдан овоз бериш почта, телеграф, телетап, телефон, электрон алоқалар ёки узатилаётган ва қабул қилинаётган хабарларнинг аниқлиги ва уларнинг ҳужжатлар асосида тасдиқланишини таъминлайдиган бошқа хил алоқа воситасида ҳужжатларни айирбошлаш йўли билан ўтказилиши мумкин. Уни ўтказиш тартиби жамиятнинг барча иштирокчиларига тақлиф қилинаётган кун тартибини албатта хабар қилиш, уларнинг овоз бериш бошлангунига қадар барча зарур материаллар ва ахборот билан танишиши, кун тартибига қўшимча масалалар киритиш тўғрисида тақлифлар киритиши имконияти, жамият барча иштирокчиларига овоз бериш бошлангунига қадар ўзгартирилган кун тартибини албатта хабар қилиш, шунингдек овоз бериш таомилининг тугаш муддатини кўрсатиш

тишни назарда тутиши керак. Сиртдан овоз беришни ўтказишнинг аниқ тартиби жамият уставига ёки локал ҳужжатда – жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисида сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисида (бундай низом афзалроқ, чунки уставга ўзгартишлар киритиш ва уларни рўйхатдан ўтказишни талаб қилмайди) назарда тутилиши керак.

Овоз бериш иштирокчиларига аниқ таърифланадиган савол қайд этилган (яъни саволнинг шакли аниқ жавобни назарда тутди) овоз бериш бюллетенлари ва бюллетенда кўрсатилган қарорларни қабул қилиш учун зарур материаллар жўнатилиши керак. Кўрилатган масалалар бўйича қарор қабул қилиш жойи ва вақтини хабар қилиш, шунингдек йиғилиш ўтказиш ва кун тартибига қўшимча масалалар киритиш тўғрисида хабардор қилиш муддатларига риоя этиш зарурати йўқолади. Устав ва амалдаги қонунчиликнинг кворум ва бир овоздан қарорлар қабул қилиш (масалан, йирик битим тузилаётганида) ёки малакали кўпчилик тўғрисидаги барча талаблари сақланиб қолади. Бундан ташқари, иштирокчилар умумий йиғилишининг натижаларини низолашиш учун асослар сақланади.

Саволларни тайёрлаш, таърифлаш ва сиртдан овоз беришни ўтказиш жамиятнинг ижро этувчи органи зиммасига юкланади. Директор сиртдан овоз беришга киритилаётган саволлар рўйхатини шакллантириши, тўлдирилган сўров варақаларини тақдим этишнинг узил-кесил муддатини, сиртдан овоз бериш натижаларини аниқлаш санасини белгилаши керак.

Сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги хабар жамият ҳар бир иштирокчисига буюртма хат билан жўнатилади ёки тилхат олиб (ёхуд жамият уставига назарда тутилган бошқа усулда) топширилади. Айни вақтда ўртага қўйилган масалалар бўйича сўров варақалари ва материаллар жўнатилади ёки топширилади. Хабарда тўлдирилган сўров варақаларини тақдим этиш ва сиртдан овоз бериш натижаларини аниқлашнинг тугаш саналари кўрсатилади. Сиртдан овоз бериш ўтказилиши тўғрисидаги хабарлар олдиндан жўнатилади. Масалан, тўлдирилган сўров варақаларини тақдим этиш муддати тугашига камида 5 кун қолганда.

Агар сиртдан овоз беришга тузилиши

борасида манфаатдорлик бўлган битимни маъқуллаш масаласи қўйилса, кузатув кенгаши (агар у жамиятда ишлаётган бўлса) аъзоларига ва Қонун талабларига мувофиқ битим тузишдан манфаатдор деб топилмаган иштирокчиларга сўров варақалари жўнатиладими, хабарда эса кенгашнинг мазкур аъзоси ёки иштирокчи ушбу қарорни қабул қилишда иштирок этмаслиги сабаби кўрсатилади.

Овоз беришга киритилаётган ҳар бир масала (савол) бўйича алоҳида сўров варақаси тузилади, у жамиятнинг фирма бланкасида (агар жамиятда фирма бланкалари назарда тутилган бўлса) расмийлаштирилади. Унда қуйидагилар қайд этилиши керак:

- овоз беришга қўйилган масала (савол) ва тегишли қарорнинг таърифлари;
- овоз беришга қўйилган ҳар бир масала (савол) бўйича овоз беришнинг «ёқлайман», «қаршиман» ва «овоз бермайман» таърифлари билан ифодаланган вариантлари;
- сўров варақасини жамиятга тақдим этиш муддатининг тугаш санаси;
- сиртдан овоз бериш натижаларини аниқлаш санаси;
- сўров варақаси иштирокчи томонидан имзоланиши кераклиги тўғрисида эслатма.

Белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим қилинган тўлдирилган сўров варақалари асосида баённома тузилади. Овоз бериш натижалари аниқланаётганида сўров варақасида овоз берувчи томонидан овоз беришнинг эҳтимолий вариантларидан бири қайд этилган масалалар бўйича овозлар ҳисобланади. Хабарда белгиланган талабларни бузган ҳолда тўлдирилган сўров варақалари овоз бериш натижаларини аниқлаш чоғида ҳақиқий эмас деб топилши ва ҳисобга олинмаслигини аниқлаштириш лозим. Агар лозим даражада расмийлаштирилган, кворум билан белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги иштирокчилар имзолаган сўров варақалари тақдим этилса, сиртдан овоз бериш амалга оширилган ҳисобланади. Сиртдан овоз бериш йўли билан қарор уни ўтказиш тўғрисида хабарда ва сўров варақаларида кўрсатилган натижаларни аниқлаш ҳамда ушбу натижаларни баённомада қайд этиш санасида қабул қилинган ҳисобланади.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Норма» МЧЖ юристи.

### Хориж қонунчилиги

#### «ТИШЛИ РЕЗИНА ҚОПЛАМИГА СОЛИҚ»

Москва ҳокимияти Россия ҳукуматида автомобиль ҳаваскорларининг ёз мавсумида тишли резинадан фойдаланишларига тақиқ жорий қилиш тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилмоқчи бўлапти.

Москва мэрининг фикрича, тишли резинадан фойдаланиш йўл устки қопламларини ишдан чиқаради ва мазкур масалани солиқ жорий қилиш ёки ёзда фойдаланишни тақиқлаш билан ҳал этиш лозим.

Бу мавзуда экспертларнинг фикрлари иккига бўлинди. Уларнинг бир қисми тишли резина ҳақиқатан йўл сифатини ёмонлаштиради деб эътироф қилдилар. Бошқалари эса йўл устки қопламнинг юқори даражада емирилишига сабаб унинг сифати пастлигидадир, деб ҳисоблашади.

Москва ҳокимияти томонидан маъқулланган йўл-таъмирлаш тармоқларини ривожлантириш концепциясига

мувофиқ коммунал хизматлар йўлни таъмирлашда янги материаллар, жумладан шағал-мастикали асфальтбетон ва битум-резина композитларидан фойдаланишга ўтишлари лозим.

#### МОСКВА ВИЛОЯТИДАГИ ТРАНСПОРТ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

2009 йил 1 январдан бошлаб Москва вилоятида транспорт солиғи ставкалари оширилди.

Тузатишлар двигателининг қуввати 100 от кучидан кам бўлган энгил автомобиль эгаларига дахл қилмайди – улар аввалгидек, бир қувват бирлиги учун 7 рубль тўлайдилар. Двигатели қуввати 100 дан 150 от кучигача бўлган энгил автомобиллар учун ўтган йилдагидан 19% кўп – 26 рубль тўланади. Двигатель қуввати бундан юқори бўлган автомобилларга солиқ 30%га оширилади. Двигатели қуввати 150 дан 200 от кучигача бўлган автомобиллар учун солиқ ставкаси ҳар бир от кучига

тегишинча 39 рублни; 200 дан 250 от кучигача – 65 рублни; 250 от кучидан юқори бўлса – 130 рублни ташкил қилади.

Юк автомобиллари ва автобусларга солиқ ставкаси фойдали ишлатиш муддатига қараб фарқланади. Янги транспорт унинг эгасига беш йилдан ортиқ фойдаланилганига нисбатан тахминан 20% арзонга тушади.

#### ОНЛАЙН СУД БИЛДИРУВНОМАСИ

Свердловск вилоятида арбитраж суди мажлисининг вақти ва ўтказилиш жойи ҳақида жараён иштирокчилари электрон почтадан билишлари керак бўлган тажриба ўтказилди. Бунгача давлат идоралари шундай хабарлар олишарди. Тахмин қилинишича, жорий йилда тижорат ташкилотлари учун ҳам қоғоздаги хабарлар ўрнини электрон билдирувномалар эгаллайди. Даъвоини расмийлаштиришда билдирувномалар келиб тушадиган суд серверидаги махсус электрон почта қутисига кириш учун компанияларга калит сўз ва пароль берилиши режалаштирилмоқда. Бунда компанияларнинг ускуналар харид қилиши ва электрон рақамли имзо олиши шарт эмас – оддий браузердан фойдаланиш мумкин.

#### БОШ БУХГАЛТЕРЛАР ШИКОЯТ ҚИЛСАЛАР БҮЛАДИ

Россия Бош прокуратураси сайтида интерактив сервис очилди, унинг ёрдамида ушбу муассаса вакилларига фискаллар томонидан сиқув юзасидан шикоят

қилса бўлади. Шикоятлар тезкор равишда кўриб чиқилиши лозим, чунки давлат тузилмалари томонидан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга риоя этилиши устидан назорат прокуратура ишининг устувор йўналишига айланмоқда.

#### ТАДБИРКОРЛАР

##### ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

2009 йил арафасида Россия Президентини юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолияти устидан давлат назорати ва кузатувини амалга оширишда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи федерал қонунни имзолади.

«Давлат кузатуви ва муниципал назоратни амалга ошириш чоғида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги федерал қонун билан давлат ва муниципал назорат органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар ва тадбиркорларни текширишни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби белгиланади.

Қонун қоидаларига мувофиқ кўрсатиб ўтилган шахсларни жойларда режадан ташқари текширувдан ўтказиш бундан буён прокуратура органлари билан келишилгандан сўнг ўтказилади. Шунингдек юридик шахслар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари қонун билан белгиланади. Улар орасида: айрим турдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бошлашнинг устувор билдирувли

тартиби; солиқ тўловчининг ҳалоллиги презумпцияси; битта юридик шахс ва тадбиркорга нисбатан бир нечта давлат ва муниципал назорат органлари томонидан қўйилган айнан бир хил мажбурий талабларнинг бажарилишини текширувдан ўтказишга йўл қўймаслик.

Бундан ташқари, давлат ва муниципал назорат органлари ва улар мансабдор шахсларининг, шунингдек текширув ўтказиш чоғида юридик шахслар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қонун давлат ва муниципал назорат органларига ҳар йилги текширувлар ўтказиш режасини тузиш, РФ Бош прокуратурасига эса ҳар йилги текширувлар йиғма режасини шакллантириш вазифасини юклайди.

#### ОШКОРА КРЕДИТ

Россия банки тижорат банкларига кредит тарихлари бюросига қарз олувчиларнинг розилигисиз улар ҳақидаги маълумотларни топширишга рухсат берди. Бу фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Мазкур меъёр вазифаси – кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ҳажмларини рағбатлантириш. Кичик фирмалар кредит тарихларининг бюрода мавжудлиги уларни бўлгуси кредиторлар учун очиқ кўрсатилади ва уларнинг қарз олувчиларга нисбатан ишончини оширади. Бошқа томондан, бундай қарор банкларга қўшимча вазифани юклайди. Улар мазкур қарор миқозларига зарар келтириши мумкинлиги тўғрисида бу қарорнинг ҳаётга татбиқ этилишидан манфаатдор эмаслар.

Хорижий матбуот материалларидан.

#### РЕКЛАМА

### МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб  
офис  
тиббиёт  
металл каркасда  
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

## ИШ ҲАҚИ ЛОЙИХАСИ

**?** Хорижий тижорат фирмасининг ТИАИСВда рўйхатдан ўтказилган ваколатхонаси, 410-сон қарорга мувофиқ, бош офис қарорига асосан фақат белгиланган банкда ҳисобрақамлар очиши шарт, банк ваколатхонани хизмат кўрсатишга қабул қилишнинг асосий шартли сифатида ходимлар (барча ходимлар Ўзбекистон фуқаролари) иш ҳақи чет эл валютасида карточкада олишларига розилик беришини илгари сурди.

Компания раҳбарияти бир неча ойдан бери банк билан барча меъёрий ҳужжатларга кўра Ўзбекистон фуқаролари республика ҳудудида иш ҳақини чет эл валютасида ололмастлиги хусусида музокара юритмоқда, бироқ банк чет эл фирмасининг консалтинг тадқиқотларини асос сифатида келтирмоқда, бу фирма банкка иш ҳақи бўйича тўловларни чет эл валютасида амалга оширишни тавсия қилди.

Тушунтириб берсангиз, банк ходимлари бунга ҳақлими? Эҳтимол, чиндан ҳам иш ҳақини чет эл валютасида олиш мумкинми?  
Хурмат билан Д.Белинская.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг (2003 йил 11 декабрдаги 556-II-сон Қонун таҳририда) 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

- кредитларни олиш ва қайтаришда;
- ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тўлашда;
- банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини ундиришда;
- чет эл валютасида ифодаланган банк кафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда;
- ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишда;
- юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда валюта бойликларини киритишда;

- хайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда;
- мерос ҳуқуқи бўйича валюта бойликларини олишда;
- божсиз савдо дўконларида-



ли ҳисоб-китоблар, шунингдек халқро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;

- норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш,

ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссиянерлар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссиянерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

- Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатилаётганда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

- қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишда;

- резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик тўлов ва кредит картчалари бўйича тўловларни қабул қилишда;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сугурта ва қайта сугурта шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда.

Шу тариқа, иш ҳақини ўз ходимларингизга қонун ҳужжатларига мувофиқ миллий валютада тўлашингиз керак, чунки сўм Ўзбекистон Республикасида тўловнинг ягона чекланмаган қонуний воситасидир\*.

Эҳтимол, миллий валютада нақд маблағларнинг етишмаслиги боис банк сизга иш ҳақини миллий валютада олиш, сўнгра банк биносининг ўзидаёқ ушбу маблағларни чет эл валютасига конвертациялаш ва уни ҳар бир ходимнинг пластик картчаларига киритишни таклиф қилгандир. Тавсифланган операцияларнинг ҳеч бири қонунга зид эмас.

Елена ЕРМОХИНА,  
«НОРМА» МЧЖ  
эксперт-юристи.



Ўзбекистон фуқароси бўлган аёл чет эл фуқароси билан турмуш қурди ва 2001 йилда эри яшаётган Америка Қўшма Штатларига кўчиб кетди. 2008 йил 16 октябрда у касал ётган онасини кўриш учун Тошкентга келди. 2008 йил 2 ноябрда АҚШга қайтиши керак эди, бироқ унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ушланиб қолди. 2001 йилдан бошлаб у Тошкентда жами 18 кунгина бўлган. Тушунтириб берсангиз, мазкур фуқаро Солиқ кодексининг 19-моддасига кўра республикамиз резиденти ҳисобланадими ёки норезидентими?

Л.Каримов, адвокат.


«KVADRO STATUS» адвокатлик фирмаси.

## РЕЗИДЕНТ УЧУН 183 КУН

– Солиқ кодекси 19-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб эътироф этилади. Солиқ даври Кодекс томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури учун белгиланади. Жорий солиқ даврида тугайдиган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида камида 183 кун мобайнида Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамаган ёки турмаган бўлса, жисмоний шахс солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан резидент деб эътироф этилмайди.

Ўзбекистон фуқаросини резидент ёки норезидент деб эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинишига унинг тегишинча республикамиз ҳудудида ёки бошқа давлатда яшаш (туриш) далилининг тасдиқланиши таъсир кўрсатади. Мазкур ҳолатларнинг хусусиятига биринчи навбатда паспортдаги қуйидаги белгилар бўйича баҳо берилади:

- ҳудудимизда доимий ёки вақтинчалик рўйхатга олинганлиги тўғрисида – фуқаро республикада яшаган (турган) тақдирда (Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида низомнинг III бўлими, ИИВнинг АВ томо-



нидан 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг III бўлими);

- фуқаро консуллик ҳисобига қўйилганлиги тўғрисида – у бошқа давлатда яшаса (АВ томонидан 1997 йил 4 июнда 348-сон билан рўйхатдан ўтказилган Хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рўйхатга олиш ё улар ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 1, 2-бўлимлари).

Фуқаронинг республикамиз ҳудудидан чиқиши/унга келиши авиачипталар ва самолётга ўтириш талонлари, Ўзбекистон чегараси кесиб ўтилиши тўғрисида паспортдаги белгилар, қабул қилинганлиги тўғрисида божхона органларининг белгилари қўйилган божхона декларациялари ва ҳоказолар билан ҳам тасдиқланади.

Артём МОКШИН,  
«НОРМА» МЧЖ  
эксперт юридик  
бўлимининг бошлиғи.

### Солиқлар оламида

Солиқ солишдаги ўзгариш ва қўшимчалар нафақат Ўзбекистонда қабул қилинди. Янги йилдан бошлаб улар дунёнинг кўпгина мамлакатларида кучга кирди. 2009 йилнинг бошидан Россияда солиқ қонунчилигига бирданига бир неча янгилик киритилди.

### СОЛИҚ ЮКИНИНГ ЕНГИЛЛАШТИРИЛИШИ

● Россия банкларидан омонатларнинг оммавий оқиб кетиши маъмурларни рублдаги депозитларга солиқ солиш тизимини қайта кўриб чиқишга ундади. Агар илгари 35% миқдоридидаги даромад солиғи такрорий молиялаш ставкасидан ошадиган фоизлардан (илгари йиллик 13%) ундирилган бўлса, энди унинг чегараси 5%га оширилди. Бошқача айтганда, йиллик 18%гача тўланган депозитлардан даромадларга солиқ солинмайди. Эҳтимол, бугунги кунда Россия бозоридида бундай фоизларни тўлайдиган бир қадар ишончли банкни топиб бўлмас керак. Шундай бўлсада вазият ўзгариши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлардан фоизлар кўринишидаги даромадлардан солиқ ундирилмайди.

Валютадаги омонатлар эгалари учун солиқ аввалгидек қолди. Улардан йиллик 9%дан ошадиган даромаддан солиқ олиш давом этади.

● Кўчмас мулк ҳисобланган уй-жой харидорлари учун солиқ чегирмаси икки баравар оширилди. 1 январдан бошлаб у бир миллиондан икки миллион рублга кўпайтирилди. Энди фуқароларга квартира харид қилинганда ёки уй-жой қурганда ўзлари тўлаган жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқни 260 минг рубль суммасида қайтаришлари мумкин (илгари 130 минг рубль эди). Бунинг устига ушбу тузатиш орқала қайтиш кучига эга ва ундан 2008 йил 1 январдан бошлаб уй-жой сотиб олганларнинг ҳаммаси фойдаланишига имкон беради.

● Ҳар бир болага тақдим этиладиган стандарт солиқ чегирмасининг миқдори 600 рублдан 1 000 рублга оширилди.

Бунинг устига илгари ундан иш ҳақи 40 минг рублдан ошмайдиган фуқароларгина фойдалана олишган бўлса, ҳозир ушбу солиқ бонуси 280 минг рубль олувчиларга ҳам татбиқ этилади. Ота-онанинг иккаласи чегирма ҳуқуқига эга. Агар ота (она) болани бир ўзи тарбияласа, чегирма икки баравар миқдорда берилади.

● Солиқ кодекси ва айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритилиши балиқ хўжалиги ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун солиқ солиш тизимида фойдаланиш ҳуқуқини беради, яъни бутун бир қатор-солиқлар (шу жумладан ҚҚС ҳам) тўлаш ўрнига 6%лик ставка бўйича ягона қишлоқ хўжалиги солиғи (ЯҚХС) тўлаш ҳуқуқини беради. Бу эса балиқ хўжалиги мажмуи қорхоналарига солиқ юкмасини анча пасайтиришга олиб келиши керак. Бундан ташқари, хорижда капитал таъмирланган ёки модернизацияланган балиқ овлаш флотининг Россия кемаларини мамлакатга олиб келадиган ташкилотлар ҚҚС ва божхона божларини тўлашдан озод этилади.

● ЯҚХСни тўлашга ўтмаган, балки солиқ солишнинг умумий режимида қолган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун фойда солиғининг пасайтирилган ставкалари белгиланган. Улар етиштирилган (шунингдек мустақил равишда қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реаллизация қилиш билан боғланган фаолиятга қўлланилади. Солиқнинг ноль даражали ставкаси амал қилиши (у 2008 йилда тугайди) 2012-йилгача узайтирилди.

### ШАРТ ҚЎЙИЛГАН ИМТИЁЗ

Фойда солиғи ҳам бир қатор ўзгаришларга учради. Биринчидан, унинг ставкаси 4%га пасайтирилди, энди компаниялар фақат 20%нигина солиққа берадилар.

Фойдаланиш муддати уч йилдан етти йилгача бўлган ускуналарга (техника, автомобиллар ва бошқа мол-мулкка) инвестициялар қўювчи компаниялар амортизация мукофотидан умид қилишлари мумкин. Улар солиқ солинадиган фойдани харид қилинаётган асосий воситалар қийматининг учдан биригача камайтириш имкониятига эга бўлдилар. Авваллари ускуна қийматининг 10%инигина ҳисобдан чиқариш мумкин эди. Бироқ

янги меъёр ҳам жорий этилди, унга кўра компаниялар, агар асосий воситалар имтиёз фойдаланилган пайдан бошлаб беш йил мобайнида сотилган бўлса, амортизация мукофотини тиклашга мажбурлар. Бундай ҳолда мол-мулк қийматининг 30%идан фойда солиғини қўшимча тўлашга тўғри келади.

### КИЧИК БИЗНЕС: РАҒБАТ ВА ҚАТТИҚҚЎЛЛИК

Соддалаштирилган солиқ солишни қўллайдиган фирмалар Солиқ инспекциясига йилда бир мартагина ҳисобот берадилар. Бироқ ҳисобланган даромаддан ягона солиқ (ҲДЯС) тўловчилар аввалгидек ҳар чоракда ҳисоботларни топширадилар. Солиқни эса улар худди аввалгидек чоракда бир марта тўлашлари керак.

2008 йил ноябридаёқ минтақаларнинг маъмурлари солиқни тушумдан эмас, балки соф даромаддан тўловчи, соддалаштирилган солиқ солишдан фойдаланувчиларга ставкани 15%дан 5%га тушириш имкониятига эга бўлдилар. Имтиёзли ставкани белгиланган дастлабки минтақа Псков вилояти бўлди. 2009 йил бошидан солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган компаниялар соф даромаднинг фақат 5%ини тўлашлари керак.

ҲДЯС тўловчиларига эса фаолиятнинг бир қатор турлари (тургун шохобчалардан ташқари савдо, реклама фаолияти, автоташишлар) бўйича базавий даромад катта миқдорда ўзгаририлди. Натижада ҳисобланган даромадга ягона солиқни қўллайдиган кўп компанияларнинг солиқ тўловлари учдан бирга кўпаяди. Бундан ташқари, 2009 йил бошланиши билан солиқ ҳисоб-китобида ҳақиқатда ишланган вақт ҳисобга олинмайди. Яъни агар дўкон ойда фақат бир кун ишласа ҳам, барибир тўлиқ ой учун солиқ тўлашга тўғри келади. Бу нарса шу билан изоҳланадики, ҲДЯСнинг кўпгина тўловчилари имтиёзни сунистеъмом қилиб, ҳисоботда реал ишланган вақтнинг фақат ярмини акс эттирганлар ва бу билан солиқ йиғимларини жиддий равишда қисқартирганлар.

Бироқ Россияда энг имтиёзли бўлган солиқ солиш тизими – патентдан фойдаланувчи тадбиркорларга ходимларни ёллашга рухсат берилди.

Ахборот агентликлари материалларидан.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ:**

– «Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ:**

– «Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

● **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМ бош директорининг «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси МББнинг «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР молия вазирининг «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

**ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА  
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган.  
Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган, **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 314-модда, N 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 12, 656-модда; 2007 йил, N 4, 158, 166-моддалар, N 6, 248-модда, N 9, 416, 422-моддалар, N 12, 607-модда; 2008 йил, N 4, 187, 188, 189-моддалар, N 7, 352-модда, N 9, 485, 487, 488-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **232-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик**

Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч

ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуққдан маҳрум қилиш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **233-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 269-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 11, 23-моддалар, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 5, 67-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 418-модда; 2006 йил, N 6, 261-модда; 2007 йил, N 4, 166-модда, N 6, 248, 249-

\*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 15 январдаги 14(4677)-сонида эълон қилинган.

моддалар, N 9, 422-модда, N 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 177, 187-моддалар, N 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **38-модда** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича»;

2) **286-моддадаги** «фуқаровий-процессуал» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **539<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«539-1-модда. Хукмлар, ажримлар ва қарорларни ижро этишда фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкий ундирувларга оид қисми бўйича юзага келадиган масалаларни ҳал этиш**

Хукмлар, ажримлар ва қарорларни ижро этишда фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкий ундирувларга оид қисми бўйича юзага келадиган масалалар фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади»;

4) **541-модданинг биринчи қисми** «тўхтатиш тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «фуқаровий даъво ҳамда бошқа мулкий ундирувларга оид қисми бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар, N 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 181, 189, 192-моддалар, N 9, 486, 488-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **198<sup>1</sup>** ва **198<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«198<sup>1</sup>-модда. Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги**

Қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этилмаслиги, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**198<sup>2</sup>-модда. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар**

**ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик**

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, яъни, қарздорнинг даромадлари ва мулкий аҳволи ҳақида нотўғри маълумотлар берганлик, ижро ҳужжатини йўқотганлик, ундирувни қарздорнинг иш ҳақидан ҳамда унга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолиш учун юборилган ижро ҳужжатларини ижро этиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш тартибини бузганлик, шунингдек қарздор ўзининг янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида маълум қилмаганлиги, -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **245<sup>3</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«245<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларига ушбу Кодекснинг 198<sup>1</sup> ва 198<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда маъмурий жазо қўллашга Департамент органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижросини амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари ҳақлидир»;

3) **332-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки» деган сўзлар «тегишли банк» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **333-модданинг биринчи қисмидаги** «фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ» деган сўзлар «суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «туман (шаҳар) судининг» ва «шахсий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **336-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳақини тўлаш шарт билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсалар белгиланган тартибда шартнома-воситачилик асосида ёхуд аукцион шаклидаги кимошди савдосида реализация қилинади»;

6) **337-моддадаги** «департаменти суд ижрочилари ҳудудий бўлимлари туман (шаҳар) бўлинмаларининг суд ижрочиси» деган сўзлар «департаменти органлари суд ижрочилари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **339-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш курали ҳисобланган нарсани ёки бевосита маъмурий ҳуқуқбузарлик нарсасини мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхаси қуйидагиларга юборилади»;

8) **348-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорнинг мулкий зарарни ундириб олишга оид қисми ушбу Кодекс 347-моддасининг учинчи қисмида белгиланган муддатда ижро этилмаса, у қонун ҳужжатларида бел-

гиланган тартибда мажбурий ижро учун суд ижрочисига юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 апрелда қабул қилинган 477-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, N 1-2, 1-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 8, 367-модда; 2008 йил, N 4, 185-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 215-модда:**

**биринчи қисми** «аризасига» деган сўздан кейин «шунингдек суд ижрочисининг аризасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда кўриб чиқади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**2) 216-модда:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд ҳужжатини ижро этиш суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**3) 271-модданинг бешинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 381-моддасида» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 372-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «ёки бир неча қарздорга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро варақаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим»;

**5) 375-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**2-банди** «унинг рақами» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**6-банди** «ва уни ижрога топшириш муддати» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** «ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**6) 379-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги учинчи жумла** чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш рад қилинганлиги устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин»;

**7) 381-модда** чиқариб ташлансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 9, 234-модда;

1998 йил, N 5-6, 102-модда; 2001 йил, N 1-2, 11-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, N 7, 373-модда; 2007 йил, N 8, 367-модда; 2008 йил, N 9, 490-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 210-модданинг иккинчи қисмидаги иккинчи жумла** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ундиришга қаратилган ижро варақаси давлат солиқ хизмати органига, бюджетга ўзга маблағларни ундиришга қаратилган ижро варақаси эса, қарздор турадиган жойдаги суд ижрочисига юборилади»;

**2) 211-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига бажарилиши лозим бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиш жойи ёхуд суд ҳужжатининг ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақаси беради.

Бир нечта жавобгардан пул суммаларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжати асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варақаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варақасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим»;

**3) 215-модданинг иккинчи қисми** «хўжалик судига» деган сўзлардан кейин «ёки ижро этиш жойи бўйича хўжалик судига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**4) 217-модданинг:**

**учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бироқ, уларнинг ҳозир бўлмаслиги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди»;

**тўртинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд ҳужжатини ижро этиш суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади»;

**5) 218-модда** чиқариб ташлансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N 5-6, 82-модда; 2003 йил, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 5, 90-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 12, 608-модда) **36-моддаси учинчи қисми** куйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»-ги 604-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N 5-6, 88-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 5, 89-модда; 2003 йил, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 5, 152-модда; 2007 йил, N 12, 608-модда) **30-моддаси:**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Дехқон хўжалиги аъзолари дехқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ дехқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли

мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, N 9, 217-модда; 2004 йил, N 5, 90-модда) **39-моддасининг биринчи қисми саккизинчи хатбошиси** «шунингдек Ўзбекистон Республикасидан чиқиши учун вақтинчалик чеклаш белгиланган шахсларни Давлат чегараси орқали ўтказмаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, N 8, 367-модда, N 12, 598-модда; 2008 йил, N 4, 184, 187-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (бундан буён матнда Суд департаменти деб юритилади) органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

2) **9-модданинг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклатилган шахс қарздор ҳисобланади»;

3) **13-модда биринчи қисмининг учинчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат унинг ўзи шахсан ижро этиши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, шунингдек ижро ҳужжатининг хусусияти ундирувчининг шахсан иштирокини талаб қилган ҳолларда уларни ижро этишда қарздор ёки ундирувчи ўз вакили орқали ҳаракат қилишга ҳақли эмас»;

4) **18-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг хоналари ва омборларини очиш, мол-мулкни кўздан кечириш, хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро ҳаракатларини амалга оширишда ҳолислар иштирок этиши шарт»;

5) **21-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«21-модда. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

Суд ижрочилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Мазкур органлар ҳамда ташкилотлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочиларига кўмаклашиши шарт.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш мақсадида:

1) ички ишлар органлари:

суд ижрочисининг қарори асосида қарздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, шунингдек автомобилотранспорт воситаларини қидиришни амалга оширади;

суд ижрочиси ҳузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларнинг белгиланган тартибда мажбурий келтирилишини таъминлайди;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда, шу жумладан, суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ бўлганда, жамоат тартиби сақланишини таъминлайди;

қонунда белгиланган мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш учун, шу жумладан, ундирувни автомобилотранспорт воситасига қаратиш учун ушбу автомобилотранспорт воситасининг мажбурий тўхтатилишини суд ижрочисининг топшириғи асосида таъминлайди;

автомобилотранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги, тегишли қарздорлар номига рўйхатга олинган автомобилотранспорт воситалари ҳақидаги ахборотни, шунингдек автомобилотранспорт воситаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотни суд ижрочисининг ёзма сўрови асосида уч кунлик муддатда тақдим этади, суд ижрочиларининг автомобилотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишга оид белгилаган тақиқларини ижро этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида рўйхатга олинган автомобилотранспорт воситаларини кўздан кечиришда иштирок этади;

суднинг ёки суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахсининг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди;

2) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг органлари:

кўчмас мулкка, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги, ҳуқуқ эгалари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ўзга кадастр маълумотларини суд ижрочисининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади;

суднинг ёки суд ижрочисининг қарори ёхуд суд ижрочиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва қарздор ўртасидаги кўчмас мулкни топшириш далолатномаси асосида кўчмас мулкка, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, суд ижрочисининг ёзма топшириғи асосида кадастр ишини шакллантиради ҳамда кўчмас мулкка, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга;

кўчмас мулкни ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишга суд ижрочиси томонидан белгиланган тақиқларни ижро этади;

ер участкасини олиб қўйиш ва бериш тўғрисидаги ижро ҳаракатларини амалга оширишда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда эса, ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида рўйхатга олинган бошқа кўчмас мулкни кўздан кечиришда иштирок этади;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қарздорларнинг банк ҳисобварақларини аниқлаш учун Банк депозиторларининг миллий ахборот базасидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

4) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари:

суд ижрочисининг муайян банк миқозининг (вакилининг) пул маблағлари ва ўзга мол-мулкига ундирув қаратиш ёки уларни хатлаш ҳақидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида берган ёзма сўровига кўра унга банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этади;

суд ижрочисининг ёзма сўровига кўра қарздорнинг банки ва хатлаш мумкин бўлган ҳисобварағини аниқлайди ҳамда бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмай суд ижрочисига маълум қилади;

суд ижрочиларининг қарздордан ижро ҳужжати бўйича тегишли қарзни, шу жумладан, ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ва

ижро харажатларини низосиз тартибда ундириш тўғрисидаги топшириқларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажаради;

суд ижрочисининг қарорига мувофиқ қарздорнинг чет эл валютасини, шу жумладан, нақд чет эл валютасини сотади ёки сотиб олади;

қарздорнинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағларини хатлаш ҳақидаги суд ижрочисининг қарорини, шунингдек суд ижрочисининг қарорида кўрсатилган қарздорнинг ҳисобварағидан фойдаланишга оид бошқа чекловлар ижросини таъминлайди;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида қарздордан олиб кўйилган ёки ундирилган, шунингдек мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағида вақтинчалик сақланишини таъминлайди, суд ижрочисининг қарорига асосан бу маблағларни тегишли ундирувчига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро харажатларини тўлаш учун ўтказиши (беради);

5) давлат солиқ хизмати органлари:

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочиларига ёрдам кўрсатади;

суд ижрочисининг топшириғига кўра, қарздорнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоб-китобини амалга оширади ҳамда уларни суд ижрочисига тақдим этади;

давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасида қардор солиқ тўловчи тўғрисида мавжуд бўлган ахборотни суд ижрочисининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайётган қарздорнинг ҳисобга олинмаган даромадларини аниқлашда суд ижрочиларига кўмаклашади;

реализация қилинмаган мол-мулкнинг арзонлаштирилишида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иштирок этади;

6) фазначилик органлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ёки ягона фазначилик ҳисобварағидан пул маблағларини ижро ҳужжати талабларини бажариш учун суд ижрочисининг қарори асосида ўн кунлик муддатда ўтказиши;

суд ижрочисининг қардор бюджет ташкилотининг ягона фазначилик ҳисобварағида сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорининг, шунингдек қарздорнинг маблағларидан фойдаланишга нисбатан суд ижрочисининг қарорида назарда тутилган бошқа чекловларнинг ижросини таъминлайди;

7) Давлат чегарасини кўриқлаш органлари:

суднинг ёки суд ижрочисининг қардор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди, суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати талабларини бажаришдан бўйин товлайётган қардор жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишининг олдини олиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасидан чиқишига вақтинча чеклов жорий қилинган ёки бундай чеклов олиб ташланган қардор жисмоний шахслар тўғрисида ахборотларнинг тезкор алмашинувини Суд департаменти органлари билан бирга белгиланган тартибда амалга оширади.

Қонун ҳужжатларида суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошқа шакллари ҳам белгиланиши мумкин»;

6) **22-модданинг:**

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молия-

вий таъминлаш департаментининг тегишли ҳудудий бўлими» деган сўзлар «Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «судга» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) қуйидаги мазмундаги **22<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«22<sup>1</sup>-модда. Ижро иши юритишда хабарномалар ва чақирувлар**

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарорлар ҳақида, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса ижро ҳаракатлари тўғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳақида хабардор қилинади, шунингдек суд ижрочисининг ҳузурига ёхуд ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойига чақирув қоғози, бошқа хабарнома, телефонограмма, телеграмма ёки бошқа алоқа воситалари (бундан буён матнда чақирув қоғози, бошқа хабарнома деб юритилади) орқали чақиртирилади.

Ижро ҳужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда суд ижрочиси ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор қилмасдан ижро ҳаракатларини амалга оширишга ва мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳақли.

Агар ижро иши юритишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили бошқа манзилни кўрсатмаган бўлса, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсга чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро ҳужжатида кўрсатилган манзилга юборилади. Чақирув қоғози, бошқа хабарнома ижро иши юритишда иштирок этаётган шахснинг иш, ўқиш жойига юборилиши мумкин.

Жисмоний шахсга йўлланган чақирув қоғози, бошқа хабарнома, қоғоз тартиқасида, Суд департаментининг бўлинмасига қайтарилиши лозим бўлган топширганлик тўғрисидаги билдиришномага ушбу шахснинг имзоси кўйдирилган ҳолда унга шахсан топширилади. Юридик шахсга юборилган чақирув қоғози, бошқа хабарнома юридик шахснинг ходимига топширилади, у топширганликни тасдиқловчи билдиришномага чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олганлиги ҳақида фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Агар чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс чақирилайётган жисмоний шахсни топа олмаса, чақирув қоғози, бошқа хабарнома у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига топширилади, улар йўқлигида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки иш берувчига (ўқув муассасаси маъмуриятига) топширилади. Чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чақирилувчига топшириши шарт.

Адресат вақтинча бирор жойга кетган бўлса, чақирув қоғозини, бошқа хабарномани етказиб берувчи шахс унинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилайётганлиги тўғрисида белги қўяди. Бу маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ёки иш берувчининг (ўқув муассасаси маъмуриятининг) имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

Адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани қабул қилишдан бош тортганда, уларни етказиб берувчи шахс суд ижрочисига қайтариладиган чақирув қоғозига, бошқа хабарномага белги қўяди.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар қуйидаги ҳолларда хабардор қилинган ҳисобланади, агар:

чақирув қоғози, бошқа хабарнома адресатга ушбу модда талабларига мувофиқ етказиб берилган (юборилган) бўлса;

адресат чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олишдан бош тортса;

почта хабарномасини олган бўлишига қарамасдан адресат ўз номига юборилган чақирув қоғозини, бошқа хабарномани олиш учун келмаса.

Мажбурий ижро этиш чоралари тўғрисида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги мазкур чораларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ижро ҳужжати бўйича қарздор зиммасига фақат шахсан ўзи бажариши мумкин бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, суд ижрочисининг чақируви бўйича келишдан бўйин товлаётган қарздор суд ижрочисининг қарори асосида мажбурий келтирилиши мумкин.

Чақирув қоғозлари, бошқа хабарномалар шакллариининг намуналари, шунингдек уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

#### 8) 23-модданинг:

**биринчи қисми қуйидаги жумла** билан тўлдирилсин:

«Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак»;

**учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро ҳаракатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади»;

**олтинчи қисмидаги** «судга» деган сўз чиқариб ташлансин;

#### 9) 24-модданинг:

**биринчи қисми** «бўлмаса» деган сўздан кейин «ёхуд зарур ҳужжатларни уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро ҳужжатида илова қилиш тўғрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «Қонуннинг 8-моддасида» деган сўзлардан кейин «ва бошқа қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «судга» деган сўз чиқариб ташлансин;

10) **25-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ёки унинг ҳудудий бўлими» деган сўзлар «Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) қуйидаги мазмундаги **25<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### «25<sup>1</sup>-модда. Йиғма ижро иши юритиш

Битта қарздорга нисбатан қўзғатилган мулк тусга эга бўлган бир нечта ижро ҳужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича қўзғатилган ижро иши юритишлар йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилади.

Суд департаментининг бир нечта ҳудудий бошқармаси бўлинмаларига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан йиғма ижро иши юритиш Суд департаменти директори ёхуд унинг ўринбосари белгилайдиган бўлинма томонидан қўзғатилади ва юритилади.

Суд департаменти битта ҳудудий бошқармасининг бир нечта бўлинмасига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан йиғма ижро иши юритиш Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари белгилайдиган ҳудудий бўлинма томонидан қўзғатилади ва юритилади.

Йиғма ижро иши юритиш қўзғатилганидан кейин келиб тушган ва йиғма ижро иши юритилаётган қарздорга нисбатан мулк тусдаги талаблар кўрсатилган ижро ҳужжат-

лари йиғма ижро ишини юритаётган суд ижрочисига топширилади. Бу ҳақда ундирувчи, қарздор, суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган хабардор қилинади»;

12) **30-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатга:

ижро ҳужжати ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро қилиш вақти;

ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш вақти;

ижро иши юритишни тўхтатиб туриш вақти;

мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарор мутахассисга юборилган кундан то унинг хулосаси ёки иш натижалари тўғрисидаги бошқа ҳужжат суд ижрочисига келиб тушгунигача бўлган вақт;

мол-мулк реализация қилишга топширилган кундан то бу мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига келиб тушгунигача бўлган вақт кирмайди.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатининг ўтиши ижро иши юритишни тугатиш ёки тамомлаш учун асос бўлмайди»;

13) **31-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд ижро ҳужжатида тушунтириш бериш тўғрисида ажрим чиқаради, ижро ҳужжатини берган бошқа орган эса қарор чиқаради»;

14) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** – **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижро ҳужжатини ижро этиш кечиктирилган тақдирда, ижро этишни кечиктирган суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган муддат ичида ижро ҳаракатлари амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган хатлов кечиктириш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тақдирда кечиктириш муддатига олиб ташланади.

Ижро ҳужжати бўлиб-бўлиб ижро этилган тақдирда, ижро ҳужжати уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган қисм ва муддатлар бўйича ижро этилади»;

15) **33-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари амалга оширилишини ундирувчининг аризасига кўра кейинга қолдиришга ҳақли. Аризада ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришнинг сўралаётган муддати кўрсатилиши керак.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббусига кўра кўпи билан ўн кун муддатга кечиктириши мумкин.

Ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда суд ижрочиси ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш асосини ва ижро ҳаракатлари қайси муддатга қолдирилганлигини кўрсатган ҳолда қарор чиқаради. Чиқарилган қарор ҳақида ижро иши юритишдаги тарафлар, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган хабардор қилинади.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин»;

16) **34-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда суд томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) агар суд томонидан аниқланган ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган деб топилганда;

2) қарздор муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

3) агар қонун ҳужжатларида низолашишга йўл қўйилган бўлса, қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашганда;

4) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб

чиқиш ваколатига эга органларнинг қарорлари (мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари) устидан судга шикоят берилганда;

5) ижро ҳужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мулкни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга даъво аризаси берилганда;

6) ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа асослар вужудга келганда.

Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) қарздор муддатли ҳарбий хизматда бўлганда ёки муддатли ҳарбий хизматда бўлган ундирувчи илтимос қилганда;

2) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда, шу жумладан, кузатувни жорий этиш тўғрисида, суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва (ёки) уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида хўжалик суди томонидан ажрим қабул қилинганда, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ижро этилиши тўхтатиб турилиши мумкин бўлмаган ижро ҳужжатлари бундан мустасно;

3) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда»;

17) **35-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда суд томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) қарздор ёки ундирувчи ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга ижро ҳужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

2) қарздор узоқ муддатли хизмат сафаридан бўлганда;

3) қарздор стационар даволаш муассасасида даволанаётганда;

4) суд ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда;

5) рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилганда;

6) ундирувчи илтимос қилганда.

Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) суд ижрочиси ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириш тўғрисидаги, ижро ҳужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳақидаги, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар билан ижро ҳужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга мурожаат қилганда;

2) қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда;

3) суд ижрочиси томонидан жарима тариқасидаги жиноий жазони бошқа жазо турига алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритилганда.

Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош суд ижрочилари уларга бўйсунувчи суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят келиб тушганда, зарур бўлган ҳолларда, ижро иши юритишни тўхтатиб туришга ҳақли»;

18) **36-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

1) қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз деб топилганда – қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқлангунигача, бедарак йўқолганнинг мол-мулки суд томонидан ҳомийлик ва васийлик органлари белгилаган ишончли бошқарувчига топширилгунигача ёки муомалага лаёқат-

сиз қарздорга ҳомий тайинлангунигача қадар;

2) қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича хўжалик суди томонидан иш юритиш қўзғатилганда, кузатувни жорий этиш тўғрисида суд санацияси ёки ташқи бошқарув таомилини жорий этиш ва (ёки) муддатини узайтириш тўғрисида хўжалик суди томонидан ажрим қабул қилинганда – қарздорнинг ночорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунигача қадар;

3) ундирувчи ёки қарздор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда, қарздор касал бўлиб қолганда, хизмат сафаридан бўлганда ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда, – муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилгунигача ёки стационар даволаш муассасасидан чиққунигача, хизмат сафаридан қайтгунигача ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидириб топилгунигача қадар;

4) ижро ҳаракатлари, ижро ҳужжати ёки уни беришга асос бўлган ҳужжат юзасидан, шунингдек рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилаётганда – масала мазмунан узил-кесил кўриб чиқилгунигача қадар;

5) суд ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда – шикоят кўриб чиқилгунигача қадар.

Ижро иши юритиш бошқа ҳолларда ҳам ижро иши юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар тугагунигача қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганидан кейин ижро иши юритиш уни тўхтатиб турган суд ёки суд ижрочиси томонидан ундирувчининг аризасига ёки суд ижрочисининг ташаббусига кўра тикланади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддатлари суд томонидан қисқартирилиши мумкин»;

19) **37-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда суд томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкни ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

2) муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжатини ижро этиш имконияти йўқолганда.

Ижро иши юритиш куйидаги ҳолларда суд ижрочиси томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;

3) жарима тариқасидаги, жиноий жазони бошқа жазо турига алмаштириш ёхуд жарима тариқасидаги жиноий жазодан амнистия актига асосан озод қилиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганда;

4) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд қонунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда»;

20) **38-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«38-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларнинг суд ёки суд ижрочиси томонидан кўриб чиқилиши**

Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзғатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша хўжалик суди ёки суд ижрочиси турган жойдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш куйидаги ҳол-

ларда ҳам хўжалик суди томонидан амалга оширилади: ижро хатлари ижро этилганда, агар ундирувчи ва қарздор юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар бўлса;

суд ижрочисининг ижро йиғимини ва ижро харажатларини ундириш тўғрисидаги қарорлари ижро этилганда, агар қарздор юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш суд ижрочиси турган жойдаги умумий юрисдикция суди томонидан амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ёки Жиноят-процессуал кодексларида бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, ижро иши юритишдаги тарафларнинг ёки суд ижрочисининг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш, ушбу Қонун 34-моддасининг иккинчи қисми, 35-моддасининг иккинчи қисми ва 37-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, ижро ҳужжати қайси суд ижрочисининг иш юритишида бўлса, ўша суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Ижро иши юритишдаги тарафларнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрочиси томонидан кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижаларига кўра суд ижрочиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида ёхуд ижро иши юритишни тўхтатиб туришни ёки тугатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақидаги суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжати суд ижрочиси томонидан олинган пайтдан эътиборан дарҳол ижро этилиши керак. Суд ижрочиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида бу ҳақда унга маълум бўлган вақтдан эътиборан уч кунлик муддатда ижро иши юритишдаги тарафларга, судга (агар масала ижро ҳужжатини берган суд томонидан эмас, бошқа суд томонидан ҳал қилинган бўлса) ёки ижро ҳужжатини берган ўзга органга маълум қилади.

Тўхтатилган ижро иши юритиш бўйича у тиклангунига қадар мажбурий ижро чоралари қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Суд ёки бошқа органнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёхуд тугатиш тўғрисидаги ҳужжати устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин»;

21) **39-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ижрочиси суднинг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими асосида, шунингдек суд ижрочисининг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги қарорида ижро этиш бўйича ўзи тайинлаган барча мажбурий ижро чораларини, шу жумладан, мол-мулкни хатлашни, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловларни бекор қилади. Айна вақтда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловлар бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ижро иши юритиш тугатилганидан сўнг суд ижрочиси қарздорга суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чиқарилган ҳамда ижро этилмаган қарорлар ижросини давом эттиради.

Ижро иши юритиш тугатилган тақдирда, ижро йиғими ижро ҳужжатининг фақат мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундирилади. Бунда ижро иши юритиш

ушбу Қонун 37-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган асослар бўйича тугатилган тақдирда ижро йиғими суд ижрочиси томонидан амалга оширилган мажбурий ижро этиш чораларидан қатъи назар, тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

Ижро иши юритиш тугатилган ижро ҳужжати ижро иши юритиш материалларида қолади ва такроран ижрога қаратилиши мумкин эмас»;

22) **40-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«40-модда. Ижро иши юритиш кўзгатилганидан кейин ижро ҳужжатларини қайтариш**

Ижро ҳужжатларида кўрсатилган ундирув амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса, бундай ижро ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда ундирувчига қайтарилади:

1) ундирувчининг аризасига кўра;

2) агар қарздорнинг манзиллини ёки унинг мол-мулки турган жойни аниқлаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлар турганлиги ёки сақланаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаса (ушбу Қонунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

3) агар қарздорнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

4) агар ундирувчи ижро ҳужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкни ўзига олиш тўғрисидаги суд ижрочисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса;

5) агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилаётган бўлса, шу жумладан, ижро ҳужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, суд ижрочиси бу ҳақда тегишли далолатнома тузади, далолатномани катта суд ижрочиси тасдиқлайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, бюджетга ҳамда давлат мақсадли фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимонда қарздорликни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадига ўзга ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжати эса тегишинча ушбу ҳужжатни берган судга ёки бошқа органга қайтарилади.

Ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатни ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқариладиган муддат доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмайди.

Ижро ҳужжати ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган асос бўйича қайтарилганда, ундирувчига ушбу Қонуннинг 76-моддасида назарда тутилган бўнак бадали тўлиқ қайтарилади.

Ижро ҳужжати ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилган ҳолларда бўнак бадалининг қайтарилаётган ижро ҳужжати ижро этиш юзасидан суд ижрочиси қилган харажатлардан ортиқча қисмигина қайтарилади. Ундирувчига ижро ҳужжати ва бўнак бадалини қайтариш тўғрисида суд ижрочиси томонидан катта суд ижрочиси тасдиқлайдиган қарор чиқарилади»;

23) **41-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш қуйидаги ҳолларда тамомланади: ижро ҳужжати амалда ижро этилганда;

йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатларидаги ундирув тўғрисидаги талаблар бир ёки бир нечта солидар жавобгар қарздор ҳисобидан амалда ижро этилганда;

ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганда;

ижро ҳужжати ушбу Қонуннинг 40-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро ҳужжати ижро этиш учун ушбу Қонун 25-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ бошқа суд ижрочисига юборилганда;

ижро ҳужжати ижро этиш учун тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига) юборилганда.

Ижро иши юритиш тамомланганда суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради. Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан чиқишга оид чеклашлар ва қарздорнинг ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқларига доир чекловлар бекор қилинади.

Ижро иши юритиш ушбу Қонуннинг 25-моддаси асосида бошқа суд ижрочисига юборилиши муносабати билан тамомланаётганда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар бекор қилинмайди. Мазкур ваколатлар ижро иши юритиш юборилган суд ижрочисига ўтади.

Суд ижрочиси қарорининг кўчирма нусхалари у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига ва қарздорга, шунингдек ижро ҳужжати берган судга ёки бошқа органга юборилади. Айти вақтда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобварақларига қўйилган инкассо топшириқномаларини чақириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловларнинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ижро иши юритиш тамомланганидан сўнг суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ҳамда ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чиқарилган ва ижро этилмаган қарорларнинг ижросини давом эттиради. Бунда қарздорга нисбатан ижро иши юритиш жараёнида белгиланган чекловлар мазкур қарорлар ижроси учун зарур бўлган миқдорда сақлаб қолинади. Ижро иши юритиш тамомланган тақдирда, ижро йиғими фақат ижро ҳужжатининг мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундирилади, номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Ижро иши юритиш, ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра тамомланганда ижро ҳужжатининг асл нусхаси, бошқа ҳолларда эса ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси ижро иши юритиш материалларида қолади»;

#### 24) 42-модданинг:

**биринчи қисми** «зарарни тўлаш» деган сўзлардан кейин «зарарни давлат фойдасига ундириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор жисмоний шахсни ва олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Қарздор юридик шахсни ва шунингдек қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкни қидириш суд ижрочиси томонидан амалга оширилади. Автоматотранспорт воситасини қидириш суд ижрочисининг қарорига кўра ички ишлар органлари зиммасига юклатилиши мумкин.

Қарздорни, унинг мол-мулкни ва олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш харажатлари қарздордан ундирилади, суд ижрочиси бу ҳақда қарор чиқаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиқлайди. Қарздор жисмоний шахсни, автоматотранспорт воситасини ёхуд олиб қўйилиши лозим бўлган болани қидириш бўйича харажат-

лар ички ишлар органининг аризасига кўра, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкни қидириш харажатлари бўйича эса, тегишли суд ижрочиси томонидан қилинган харажатлар ҳисоб-китоби асосида аниқланади»;

**олтинчи қисмидаги** «судга» деган сўз чиқариб ташлансин;

25) қуйидаги мазмундаги **42<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«42<sup>1</sup>-модда. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш**

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан урсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, суд ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш органларига юборилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш ушбу Қонунда белгиланган асосларга кўра тугатилганда ёки тамомланганда, суд ижрочиси кейинги кундан кечиктирмасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан суд ижрочиларининг, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади»;

#### 26) 46-модда:

**1-бандининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «ундирувни қарздорнинг пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш»;

**2-бандидаги** «мол-мулкига ва пул маблағларига» деган сўзлар «пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **2<sup>1</sup>** ва **2<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«2<sup>1</sup>) ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига, шу жумладан, қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича унга тегишли бўлган маблағларга қаратиш;

2<sup>2</sup>) ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулк хуқуқларга қаратиш»;

27) **47-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва мажбурий реализация қилишдан иборатдир.

Ижро ҳужжатлари бўйича жисмоний ва юридик шахслардан ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблағларига ҳамда бошқа қимматликларига, шу жумладан, банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағларига ҳамда ўзга қимматликларига қаратилади.

Қарздор жисмоний шахсдан топилган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблағлари дарҳол олиб қўйилиши лозим.

Олиб қўйилган сўмдаги нақд пул маблағлари кейинги иш кунидан кечиктирмай Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш учун банкка топширилади, кейин уч кунлик муддатда белгиланган тартибда тақсимланади.

Қарздорнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги барча ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағлари ва ўзга қимматликлари тўғрисида ахборот бўлганда, улар хатланади. Қарздорнинг аниқланган тегишлича сўмдаги нақд пули ёхуд банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги сўмдаги маблағлари етарли бўлмаса, ундирув қарздордаги аниқланган нақд чет эл валютасига ёхуд унинг банклардаги ёки ўзга кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақланаётган валютасига қаратилади.

Суд ижрочисида қарздорнинг хатлаш мумкин бўлган ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида ахборот бўлмаганда, суд ижрочиси бундай ҳисобварақни аниқлаш тўғрисида банк ёки бошқа кредит ташкилотига ёзма сўров юборади.

Суд ижрочисининг ёзма сўрови келиб тушганда банк ёки бошқа кредит ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ҳисобварақни аниқлайди ва бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмай суд ижрочисига маълум қилади.

Қарздор ундирув биринчи навбатда қаратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишга ҳақли.

Қарздор мол-мулкнинг у ёки бу турига ундирувни қаратиш навбати суд ижрочиси томонидан мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Қарздорнинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, суд ижрочиси ўз қарори билан қарздор ҳисобварақларининг харажатлар қисмини қарз тўлиқ узилгунига қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатлайди. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти қарздорнинг пул маблағларини хатлаш ҳақидаги қарорни дарҳол ижро этади ва суд ижрочисига қарздорнинг ҳисобварақлари реквизитлари ҳамда ҳар бир ҳисобварақ бўйича хатланган пул маблағлари миқдорини маълум қилади. Айтиб ўтиш керакки, ундирув қарздорга тегишли бўлган бошқа мол-мулкка қаратилади, ушбу Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздорнинг мол-мулкига, шу жумладан, нақд пул маблағларига ва банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағларига ундирув ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар ва ижро харажатлари ҳисобга олинган ҳолда, ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ва ҳажмда қаратилади.

Қарздор бошқа шахслар билан умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкка эга бўлган ҳолларда ундирув унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган улушига қаратилади»;

28) **48-модданинг иккинчи қисми** «зиммасига» деган сўздан кейин «ижро йиғимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) қуйидаги мазмундаги **48<sup>1</sup> – 48<sup>7</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«48<sup>1</sup>-модда. Қарзни чет эл валютасида ҳисоблаб чиқаришда ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш тартиби**

Қарздордан топилган ва олиб қўйилган, ижро ҳужжатида кўрсатилган нақд чет эл валютасини суд ижрочиси олиб қўйилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига топширади, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасини ёки сўмдаги нақд пул маблағларини сотиш (ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютасини сотиб олиш) учун чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланувчи банкка топширади.

Қарздорнинг банк ҳисобварағида, омонатида турган ёки банкда сақланаётган, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасидаги ёки сўмдаги пул маблағлари хатланганида, суд ижрочиси ўз қарори билан ваколатли банк зиммасига ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган миқдорда ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишли чет эл валютасини сотиб олиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютаси сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган бўлса, суд ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютаси ёки сўмни шундай ҳуқуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасида сотиб олинган пул маблағлари улар томонидан Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси депозит валюта ҳисобварағига ўтказилади.

Қарз чет эл валютасида ҳисоблаб чиқарилаётганда суд ижрочиси ижро йиғими, шунингдек у томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро харажатларини тегишли қарор чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютаси курсидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган миқдорда сўмда ҳисоблаб чиқаради.

**48<sup>2</sup>-модда. Ундирувни қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва унинг мижозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига қаратиш хусусиятлари**

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув унинг мижозларининг қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган алоҳида ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағларига қаратилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси қарзлари бўйича ундирув унинг мижозларининг тегишли реестр юритиш тизимидаги шахсий ҳисобварақларида ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан депозитарийларда очилган депо ҳисобварақларида сақланаётган қимматли қоғозларига қаратилиши мумкин эмас.

**48<sup>3</sup>-модда. Ундирувни айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятлари**

Юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан, унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирув суд ҳужжати асосида, қонунда белгиланган шартларда ва тартибда ушбу юридик шахс мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) пул маблағларига ҳамда бошқа мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Тегишли қарздор юридик шахсларга нисбатан ижро харажатларини амалга оширишда ундирувни хусусий корхона мулкдори, муассаса мулкдори, фермер хўжалигининг раҳбари, деҳқон хўжалигининг аъзолари, ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари, тўлиқ ширкат иштирокчилари, шунингдек коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳуж-

жатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Қарздорнинг ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли мол-мулки бўлмаганда, ундирув суд қарори асосида қарздорнинг масъулияти чекланган жамият, кўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига, қарздорнинг ишлаб чиқариш кооперативидаги пайига қаратилади.

#### **48<sup>4</sup>-модда. Ундирувни қарздорга тегишли бўлган мулк хуқуқларга қаратиш**

Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздорга тегишли мулк хуқуқларга, хусусан қуйидаги хуқуқларга қаратилиши мумкин:

кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш хуқуқи;  
ер участкасига доимий ёки умрбод эгалик қилиш хуқуқи, ер участкасидан доимий фойдаланиш хуқуқи ёки ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш хуқуқи;  
интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк хуқуқи;

қарздорга лицензиат сифатида оддий номутлақ лицензия асосида тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан ва шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш хуқуқи.

Қарздорга тегишли бўлган бошқа шахсларга нисбатан мулк хуқуқларга ундирув Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қаратилади.

#### **48<sup>5</sup>-модда. Ундирувни дебиторлик қарзига қаратиш**

Ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича, шу жумладан, мулк ижараси шартномаси ва бошқа шартномалар бўйича, шунингдек қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблағларини дебитор қарздорнинг ҳисобварақларидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш орқали амалга оширилади.

Суд ижрочиси томонидан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги бошқа ижро ҳужжати мавжудлиги аниқланса, суд ижрочиси ундирувни дебиторнинг ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблағларига қаратиш тўғрисида қарор чиқаради. Ушбу қарор асосида суд ижрочиси дебиторнинг ҳисобварақларига қарздорнинг қарзи суммаларини ундириш тўғрисида дебиторнинг қарздор олдидаги қарзидан ошиб кетмайдиган миқдорда инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Ундирувни қарздорга амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор тўлаши лозим бўлган пул маблағларига қаратиш қарздор ўз дебитори билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

Дебитор ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолашдан асосиз бош тортган тақдирда, қарздор бир томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларини дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда суд ижрочисига тақдим этишга ҳақли. Қарздор томонидан бир томонлама тартибда имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тақдим этилганда, суд ижрочиси қарздорнинг дебиторига унинг кредиторлик қарзи мавжудлиги ҳақида имзолаш учун солиштирма далолатномани ва қарздор томонидан тақдим этилган, ушбу қарзнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда билдиришнома юборади.

Қарздорнинг дебитори билдиришномани олган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаши ёхуд солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмас-

лигини асослаган ҳолда рад жавоби тақдим этиши шарт. Агар дебитор томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор ўша муддатда суд ижрочисига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт.

Қарздор билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қарздорнинг ва унинг дебиторининг номи, уларнинг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

дебиторнинг қарздор олдидаги қарзи суммаси;

қарздор ва унинг дебиторининг улар муҳри билан тасдиқланган имзолари, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолда эса, дебиторнинг ўз муҳри билан тасдиқланган имзоси;

солиштирма далолатнома тузилган сана.

Қарздор ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси у суд ижрочисига тақдим этилгунига қадар уч ойдан ўтиб кетмаган санага тузилган бўлиши керак.

Суд ижрочиси ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторнинг ҳисобварақларига қарздорнинг қарзи суммасини дебиторнинг қарздор олдидаги қарзидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисида инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Ундирув қуйидаги ҳолларда дебиторлик қарзига қаратилмайди:

уни ундириш учун даъво муддати ўтган бўлса;

қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро ҳужжати Суд департаменти органининг иш юритишида бўлса ёки уни ижрога тақдим этиш муддати ўтган бўлса ёхуд ушбу ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатлари белгиланган тартибда тўхтатиб турилган, тугатилган ёки кечиктирилган (бўлиб-бўлиб ижро этилган) бўлса;

дебитор ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан шартнома тузилмаган чет давлатда турган бўлса;

дебитор тугатилиш жараёнида бўлса ёки унга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

дебитор ўз фаолиятини тугатган ва юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган бўлса.

#### **48<sup>6</sup>-модда. Ундирувни суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида вақтинча сақланаётган пул маблағларига қаратиш хусусиятлари**

Суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида сақланаётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан, фуқаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жиноий йўл билан орттирилган маблағлар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган пул маблағлари суд томонидан ижро ҳужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай суднинг тегишли қарори талабларини ижро этишга қаратилиши керак.

Суд ижрочисининг иш юритишида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича суд ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг депозит ҳисобварақларида вақтинча сақланаётган пул маблағларини уч кунлик муддат ичида Суд департаменти органининг депозит ҳисобварақига ўтказиш тўғрисида талабнома юборади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суд ижрочиси суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит ҳисобварақларида вақтинча турган пул маблағларини ижро ҳужжати талабларига мувофиқ кейинчалик тақсимлаш учун Суд департаменти органининг депозит ҳисобварақига инкассо топшириқномаси орқали низосиз тартибда ҳисобдан чиқариши шарт.

#### **48<sup>7</sup>-модда. Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг пул маблағларига қаратиш хусусиятлари**

Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг пул маблағларига қаратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг маблағларига қаратиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади»;

30) **49-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш ушбу мол-мулкнинг қарздорга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар бўлганда, суд ижрочисининг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Қарздорнинг ўзга шахсларда турган мол-мулкнинг унга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар бўлмаганда, ундирувни мазкур мол-мулкка қаратиш суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Суд ижрочисининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра чиқарилган қарори устидан шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин»;

31) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка гаровга олувчининг талабларини қаноатлантириш учун қаратилган бўлса, ундирув қарздорнинг бошқа мол-мулкни бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади»;

32) **52-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмайди, ижро ҳужжатида ундирувни мазкур уйга (квартирага) қаратиш назарда тутилган ёхуд ушбу мол-мулк мажбурият бўйича гаров нарсаси бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ундирув бошқа уйларга (квартираларга) уларда қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари ёхуд ўзга шахслар доимий равишда яшаб турган-турмаганлигидан қатъи назар, қаратилиши мумкин.

Ундирувчи ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ундирув суд томонидан қарздорнинг ягона уйига (квартирасига) ёхуд уй худудидаги алоҳида турган бинога ёки уйнинг муайян қисмига, агар суд уйни (квартирани), шу жумладан, унга туташ худудни қисмларга бўлиш мумкин, қарздор тасарруфида қолган қисми эса қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун етарли деб топган тақдирда қаратилиши мумкин.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, қарздор ва унинг оила аъзрлари нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмларга ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин эмас.

Инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган инвестиция шартномасига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини узиш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмайди»;

33) **53-модданинг бешинчи қисмидаги** «беш кундан» деган сўзлар «уч иш кунидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) қуйидаги мазмундаги **53'-модда** билан тўлдирилсин:

**«53'-модда. Қимматли қоғозларни хатлаш**

Ҳужжатли қимматли қоғозлар уларнинг турган жойи бўйича хатланади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ушбу қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари рўйхатга олинган жой бўйи-

ча хатланади.

Қимматли қоғозлар хатланганда суд ижрочиси қарор чиқаради. Ҳужжатли қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисида суд ижрочиси хатланган қимматли қоғозларнинг хатлов далолатномасини ҳам тузади.

Суд ижрочисининг қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисидаги қарорида ёки далолатномасида хатланган қимматли қоғозларнинг умумий сони, уларнинг тури ва қимматли қоғозлар эмитентлари тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар чиқарилган сана, уларни идентификация қилиш, шунингдек қимматли қоғозларнинг қарздорга тегишлилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қарздорга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг хатланиши қарздорга уларни тасарруф этиш, шунингдек бундай қимматли қоғозларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш тақиқланганлигини англатади. Ўзга турдаги чекловларни белгилашда, шу жумладан, қарздорнинг қимматли қоғозларда мустақамлаб қўйилган даромад олиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларини чеклашда суд ижрочиси белгиланган чекловларни қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисидаги қарорда санаб ўтиши шарт»;

35) **54-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш рўйхатга олиниши лозим бўлган мол-мулк турларига бўлган талаб ва таклифнинг бозор конъюнктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида, ижро этиш кунидан амалда бўлган нархлар бўйича суд ижрочиси томонидан таъминланади.

Суд ижрочиси мол-мулкни баҳолаш учун баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келадиган мутахассисни жалб этади, ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва олтинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суд ижрочиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нархини фақат алоҳида олинган мол-мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам иш ҳақининг юз бараваридан ошмаган тақдирдагина, мутахассисни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилаши мумкин, автомобилотранспорт воситалари бундан мустасно.

Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган бошланғич реализация қилиш нархи суд қарори билан белгиланади. Кўрсатилган нарх суд томонидан белгиланган бўлмаса, мазкур мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нархда кимошди савдосига қўйилади.

Қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзғор буюмлари, нодир буюмлар, асл тасвирий санъат ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари мутахассислар албатта иштирок этган ҳолда баҳоланиши, кейин (уч иш кун ичида) масъулиятли сақлаш учун банкка ёки депозитарийга топширилиши керак, муайян турдаги қимматликлар музейга ёки уларнинг сақланиш шароитларини таъминловчи бошқа ихтисослаштирилган муассасага топширилиши лозимлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати тегишли қимматли қоғозлар ўзида расмий листингга киритилган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ марказлаштирилган тартибда котировка қилинадиган фонд биржасига суд ижрочиси томонидан ёзма сўров бериш орқали аниқланади.

Агар суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка қилинмаётган бўлса, суд ижрочиси қимматли қоғозларни баҳолаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тар-

тибда мутахассисни жалб этади.

Суд ижрочиси томонидан мол-мулкни ёки мулкый ҳуқуқни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот олинган (чиқарилган) пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ижро иши юритишдаги тарафларга баҳолаш натижалари ҳақида билдиришнома юборилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган баҳолаш объектининг қиймати хусусида ижро иши юритишдаги тарафлар ўтказилган баҳолаш тўғрисида ўзлари хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай судда низолашиши мумкин.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочиси томонидан хатланган мол-мулкни баҳолашни амалга оширувчи мутахассисларни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси билан биргаликда белгиланади»;

### 36) 55-модда:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг мол-мулки сақлаш учун қарздорга ёки суд ижрочиси тайинлаган бошқа шахсларга (бундан буён матнда сақловчи деб юритилади) мол-мулкни хатлаш далолатномасига имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Суд ижрочиси хатланган мол-мулкни сақлаш учун қайси сақловчига топширган бўлса, ўша сақловчи суд ижрочисининг ёзма равишдаги розилигисиз бу мол-мулкдан фойдаланиши мумкин эмас. Депозитарийга сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек мол-мулкнинг хоссаларига кўра, ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келган тақдирда, суд ижрочиси бундай розиликни беришга ҳақли эмас. Агар мазкур мол-мулкдан фойдаланиш унинг сақлашни таъминлаш учун зарур бўлса, суд ижрочисининг розилиги талаб этилмайди»;

қуйидаги таҳрирдаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хатланган автотранспорт воситаси аукцион ўтказилгунига қадар суд ижрочиси томонидан белгиланган, унинг асралиши учун тегишли шароитлар таъминланган махсус ажратилган жойларда (сақлаш жойларида, омборларда, ваколатли органлар ва бошқа ташкилотларнинг жарима майдонларида) сақланади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

37) 56-модданинг **матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг хатланган мол-мулкни реализация қилиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хатлаш асослари ва мол-мулк турларидан қатъи назар, хатланган кундан эътиборан икки ой ичида уни сотиш орқали амалга оширилади, қонунга мувофиқ муомаладан чиқарилган мол-мулк бундан мустасно.

Қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш шартнома-воситачилик асосларида ёхуд кимошди савдосида амалга оширилади, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Автотранспорт воситалари, кўчмас мулк, шу жумладан, ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқлар, интеллектуал фаолият натижалари ва шахсийлаштириш воситаларига акс эттирувчи воситаларга бўлган мулкый ҳуқуқларни реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ажратилган майдончаларда биржалар томонидан ўтказиладиган очиқ аукцион шаклидаги кимошди савдосида амалга оширилади.

Савдо ташкилотларини ва биржаларни танлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади.

Агар реализация қилиш учун аукцион шаклидаги кимошди савдосига қўйилган мол-мулк аукцион шаклидаги кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилши муносабати билан реализация қилинмаса, ушбу Қонун 63-мод-

даси саккизинчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра кимошди савдосининг амалга ошмаган деб топилши бундан мустасно, мазкур мол-мулк суд ижрочиси томонидан қуйидаги тартибда арзонлаштирилиши керак:

давлат солиқ хизмати органи ва молия органи вакиллари иштирокида мол-мулк нархининг 10 фоизидан ошмаган миқдорда – давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича;

мол-мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида – бошқа ижро ҳужжатлари бўйича.

Савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган мол-мулк ҳам, агар у савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида реализация қилинмаган бўлса, арзонлаштирилиши лозим. Бунда арзонлаштириш ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган тартибда ва миқдорда амалга оширилади.

Мол-мулк арзонлаштирилганда суд ижрочиси белгиланган тартибда далолатнома тузади, шундан сўнг арзонлаштирилган мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларига ёки савдо ташкилотларига такроран реализация қилиш учун қўйилади. Бунда арзонлаштирилган мол-мулк бўйича такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдолари ўтказилиши тўғрисидаги хабар у ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларида берилади. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича мазкур мол-мулкни реализация қилишда, шунингдек ушбу Қонун 63-моддасининг саккизинчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра дастлабки кимошди савдолари амалга ошмаган деб эълон қилинганда мол-мулк арзонлаштирилмайди ва биринчи баҳоланган нарх бўйича такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларига ёки савдо ташкилоти томонидан такроран реализация қилишга қўйилади.

Мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларида реализация қилинмаган ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошқа мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ арзонлаштирилган нархда ундирувчига таклиф қилинади, давлат даромадига ижро ҳужжатлари бўйича ундириш қаратилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арзонлаштирилиши ва реализация қилишга қўйилиши лозим. Гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича ушбу мол-мулк реализация қилинмаса, суд ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги кимошди савдоларидаги ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилишидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида қолдиришни таклиф қилади.

Қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ва уюшган биржадан ташқари бозорларида реализация қилиниши керак. Улар суд ижрочиси билан тузилган шартнома асосида фаолият юритувчи инвестиция воситачиси – брокер томонидан кимошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар арзонлаштирилмайди ва икки ой мобайнида бир неча марта кимошди савдосига қўйилади. Қимматли қоғозлар мазкур муддатда реализация қилинмаган тақдирда, суд ижрочиси ундирувчига ушбу қимматли қоғозларни уларни брокер томонидан кимошди савдосига қўйилган охириги кимошди савдоси кунининг охириги кимошди савдоси соатидаги ўртача нархда ўзида қолдиришни таклиф этади.

Суд ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш ҳақидаги ушбу модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган таклифи суд ижрочиси томонидан тегишли мол-мулк реализация қилинмаганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувчига юборилиши лозим. Бир навбатдаги талаблар бўйича бир не-

чта ундирувчи бўлган тақдирда, таклифлар суд ижрочиси томонидан Суд департаменти органларига ижро ҳужжатларининг келиб тушиши навбатига кўра ундирувчиларга юборилади. Агар мол-мулкнинг суд ижрочиси томонидан таклиф қилинган баҳоси ижро ҳужжати бўйича ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ортиқ бўлса, ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдиришга тегишли фарқни бир вақтнинг ўзида Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига тўлаган (ўтказган) тақдирда ҳақли, бу ҳақда таклифда кўрсатиб ўтилади. Ундирувчи реализация қилинмаган мол-мулкни ўзида қолдириш тўғрисидаги қарори ҳақида суд ижрочисини таклифни олган кундан эътиборан беш кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ундирувчи мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечган тақдирда ёхуд бу ҳақдаги ўз қарорини белгиланган муддатда ёзма шаклда тақдим этмаса, мол-мулк ижро харажатлари, шу жумладан, мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ундирилган ҳолда қарздорга қайтарилади. Ундирувчи – гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда ёхуд белгиланган муддатда ўз қарорини ёзма шаклда тақдим этмаганда, ижро иши юритиш ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади, реализация қилинмаган бошқа мол-мулк бўйича ижро иши юритиш эса қарздорда ундирувча қаратилиши мумкин бўлган ўзга мол-мулк бўлмаса, ижро ҳужжатини ундирувчига қайтариш билан тамомланади.

Олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мулк қарздор қарзини ва суд ижрочиси мол-мулкни олиб қўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ундирувчи амалга ошираётган суд ижрочисига тақдим этган тақдирда ҳам қарздорга қайтарилади.

Реализация қилинган мол-мулкни мол-мулкнинг баҳоси тўлиқ тўланганига қадар харидорларга бериб юбориш, шунингдек тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) шарт билан реализация қилиш савдо ташкилотларига ва суд ижрочиларига таққиланади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш хусусиятлари, шунингдек кўчмас мулкни узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқларини, қарздорнинг ер участкаларига, интеллектуал фаолият натижаларига ва шахсийлаштириш воситаларига бўлган мулк ҳуқуқларини реализация қилиш тартиби ушбу Қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**38) 57-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёлар ундирувчига топширилган тақдирда суд ижрочиси бу ашёларни қарздордан олиб қўяди ва топшириш далолатномасини тузиб, уларни ундирувчига топширади.

Олиб берилиши лозим бўлган ашёлар йўқотилганлиги ёки ундирувчи уларни олишдан бош тортганлиги ёхуд ҳозир бўлиш ҳақида бир неча бор таклиф қилинишига қарамасдан унинг ашёларни олиш учун келмаганлиги сабабли ижро этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ашёлар қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса ундирувчига ижро ҳужжатини қайтариш билан тамомланади.

Ижро ҳужжатида кўрсатилган ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ундирувчига топширилган тақдирда суд ижрочиси мазкур қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олувчи шахс томонидан қарздорнинг ҳисобидан чиқарилиши ва уларни ундирувчининг ҳисобига ўтказилиши тўғрисида қарор чиқаради»;

**39) 58-модда:**

**биринчи қисми** «узиш» деган сўздан кейин «ижро йиғими» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро йиғими суммалари, шунингдек ижро харажатларининг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган суммалар суд ижрочиларининг депозит ҳисобварағига ўтказилиб, сўнгра ижро харажатларининг ўрни ушбу сумма ҳисобидан қопланади»;

**40) 60-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қарздор юридик шахснинг мол-мулкни хатлаш ва реализация қилиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

биринчи навбатда – ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган кўчар мол-мулкка (қимматли қоғозларга, қарздорнинг депозит ва бошқа ҳисобварақларидаги пул маблағларига, валюта қимматликлари, енгил автотранспорт, офислар дизайни ашёлари, тайёр маҳсулот (товарлар), қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга, улардан тайёрланган буюмларга, шунингдек бундай буюмлар парчаларига ва бошқаларга) нисбатан;

иккинчи навбатда – товарларни ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишда бевосита фойдаланилмайдиган мулк ҳуқуқларга, шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита қатнашмайдиган ва бевосита қатнашишга мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

учинчи навбатда – товарлар ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ёки хизматлар кўрсатишда бевосита қатнашадиган мулк ҳуқуқларга, кўчмас мулк объектларига, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашишга мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари қарздор жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти муносабати билан суд ёки бошқа орган томонидан берилган ижро ҳужжатидаги талаблар ижро этилган тақдирда, ундирувчи белгиланган тартибда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган қарздор жисмоний шахснинг мол-мулкига қаратишда ҳам қўлланилади»;

**41) 61-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**42) 62-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органдан қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлайди, бундан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, мол-мулкни ўзга шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги, асоссиз ортирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги ижро иши юритишлар мустасно. Ижро иши юритишни тугатиш билан бир вақтда суд ижрочиси ижро иши юритиш давомида қарздорнинг мол-мулкига ўзи қўйган хатловларни ва ушбу мол-мулкни тасарруф қилишга доир бошқа чекловларни олиб ташлайди.

Ижро иши юритиш тамомланган ижро ҳужжатлари суд ижрочисининг ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро иши юритиш тамомланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тугатувчига юборилади. Суд ижрочиси ижро ҳужжати тугатувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига маълум қилади»;

**43) 63-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«63-модда. Аукцион шаклидаги кимошди савдоларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларнинг асосий шартлари**

Мол-мулк ва мулк ҳуқуқларининг айрим турларини реализация қилиш бўйича аукцион шаклидаги кимошди савдолари биржалар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Тегишли биржа билан тузилган шартнома ва (ёки) кимошди савдосига қўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулккий ҳуқуқларнинг дастлабки (бошланғич) баҳоси кўрсатилган буюртма аукцион шаклидаги кимошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Буюртмага қўйидагилар илова қилинади:

ижро ҳужжатининг кўчирма нусхаси;

суд ижрочиси тузган мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқни хатлаш далолатномасининг кўчирма нусхаси ёхуд суд ижрочисининг уларни хатлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни тавсифловчи ҳужжатлар, шу жумладан, баҳолаш тўғрисидаги хулосанинг, автотранспорт воситасини ёки кўчмас мулкни кўздан кечириш далолатномасининг кўчирма нусхалари;

мол-мулкка эгалик ҳуқуқини ва мол-мулкка бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Кўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини сотишда суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидагиларни илова қилади:

ижара шартномасининг кўчирма нусхаси;

ижара шартномасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

ижарага берувчининг ундирувни узоқ муддатли ижара ҳуқуқига қаратишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат ёки агар ижара ҳуқуқи ижарага олувчи томонидан аукцион шаклидаги кимошди савдоси натижасида олинган бўлса, узоқ муддатли ижара ҳуқуқини ижарага берувчининг розилигисиз ўтказиш имконини берувчи ҳужжат.

Қурилиши тугалланмаган объектни сотишда суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидагиларни илова қилади:

ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси;

тегишли давлат органининг қурилиш учун рухсатномасининг кўчирма нусхаси.

Ер участкасини ва ер участкасига бўлган мулккий ҳуқуқларни сотишда суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ва ер участкаси чизмасининг кўчирма нусхаларини илова қилади.

Аукцион шаклидаги кимошди савдолари нархнинг ошиб бориши тамойили асосида ўтказилади.

Қўйидаги ҳолларда аукцион шаклидаги кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилади, агар:

аукционга иккитадан кам харидор келса;

аукционнинг иштирокчиларидан биронтаси мол-мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқни эълон қилинган дастлабки нархда сотиб олиш истагини билдирмаса;

аукцион ғолиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортса ёки реализация қилинган мол-мулкнинг ёхуд мулккий ҳуқуқнинг қийматини белгиланган муддатда тўлиқ тўламаса»;

**44) 64-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирув қўйидаги ҳолларда қарздорнинг иш ҳақиға ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларга қаратилади: даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда;

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги, шу жумладан, йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатлари бўйича ушбу миқдордаги пул суммасини ундиришда;

ундириладиган суммаларни тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмаганда ёки унинг мол-мулки етарли бўлмаганда.

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар ундирувчидан ёхуд суд ижрочисидан ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан қарздор жисмоний

шахснинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан пул маблағларини ижро ҳужжатидаги талабларга мувофиқ ушлаб қолиши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ушлаб қолинган пул маблағларини ундирувчига тўлов амалга оширилган кундан эътиборан уч кун ичида тўлаши ёки ўтказиши шарт. Пул маблағларини тўлаш ва ўтказиш қарздор ҳисобидан амалга оширилади.

Қарздор билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, у ўқишни битирганда (бошқа жойга ўтказилганда), пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойидан кетганда, қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс бу ҳақда дарҳол суд ижрочисига хабар бериши ва амалга оширилган ундирувлар тўғрисида белги қўйилган ижро ҳужжатини унга қайтариши шарт.

Қарздор жисмоний шахс янги иш, ўқиш жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи тўғрисида дарҳол суд ижрочисига ва ундирувчига хабар бериши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ижро ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри ижро этилишини, уларнинг ҳисобини ва сақланишини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар томонидан ижро ҳужжатларининг ижро этилиши қоидаларига мувофиқ ҳолда таъминлайди.

Суд ижрочиси қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс томонидан ижро ҳужжати талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан, ижро ҳужжати бўйича пул маблағларининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида ўтказилиши, уларнинг сақланишига ва ҳисобга олинишига доир белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ундирувчининг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан текшириш ўтказилади. Бундай текширишни ўтказишда қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс тегишли бухгалтерия ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни суд ижрочисига тақдим этиши шарт»;

**45) 69-модда:**

қўйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга»;

**ўн биринчи хатбошиси ўн иккинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**46) 71-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ўзи белгиланган муддатда ихтиёрий равишда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Қарздор ижро ҳужжатининг талабларини суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда, суд ижрочиси қарздорга нисбатан маъмурий жазо қўллайди, суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда эса уни жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантиради. Қарздор шундан сўнг ҳам ижро ҳужжатини ижро этишдан бўйин товлаган тақдирда, суд ижрочиси қонунда белгиланган тартибда уни жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўради»;

**47) 73-модда:**

**бешинчи қисмидаги иккинчи** ва **учинчи жумлалар** чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар қарздор уйдан кўчирилган кундан эътиборан олти ой ичида мазкур мол-мулкни олиб кетмаса, суд ижрочиси

қарздорни ёзма шаклда огоҳлантирганидан сўнг мазкур мол-мулкни ушбу Қонунда белгиланган тартибда реализация қилишга топширади.

Қарздорнинг мол-мулкни реализация қилишдан тушган ва ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар ва ижро харажатларининг ўрни қопланганидан кейин ортиб қолган пул маблағлари қарздорга қайтарилади. Қарздор томонидан талаб қилиб олинмаган пул маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағида уч йил мобайнида сақланади. Мазкур пул маблағлари ушбу муддат ўтганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади»;

**олтинчи қисми саккизинчи қисм** деб ҳисоблансин; 48) қуйидаги мазмундаги **73<sup>1</sup>** ва **73<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«73<sup>1</sup>-модда. Иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш**

Қарздорнинг иморатини мажбурий бузиб ташлаш ҳолислар иштирокида ва ички ишлар органларининг ходимлари кўмағида суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочиси иморатни мажбурий бузиб ташлаш куни ва вақти ҳақида қарздорни хабардор қилади. Иморатни мажбурий бузиб ташлаш куни ва вақти ҳақида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганлиги ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

**73<sup>2</sup>-модда. Ер участкасини олиб қўйиш ва ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этиш**

Қарздордан ер участкасини мажбурий олиб қўйиш ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органи мутахассиси албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суд ижрочиси ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вақти ҳақида қарздорни хабардор қилади. Ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вақти ҳақида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганлиги ижро ҳужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижроси ер участкаси суд ижрочисининг далолатномаси асосида ундирувчига ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган ҳисобланади.

Агар ундирувчининг ер участкасига бўлган тегишли ҳуқуқи рўйхатга олинмаган бўлса, суд ижрочиси ўз қарори билан ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органига ундирувчининг ижро ҳужжатида кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклайди. Бунда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг ижроси ундирувчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган ҳисобланади»;

49) **74-модданинг учинчи қисмидаги** «ушбу Қонуннинг 82-моддасида» деган сўзлар «қонунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

50) **76-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро харажатлари тамомланганда бўнак бадали (ушбу Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ харажатларнинг қарздор ҳисобидан амалга оширилган қисми) ундирувчига тўлиқ қайтарилади, ушбу Қонун 40-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

51) **77-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонун 40-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ижро ҳужжатини ижро этиш учун қилинган харажатлар ундирувчидан ундирилади. Кўрсатилган ҳолларда харажатларни ундириш суд ижрочисининг қарори асосида амалга оширилади»;

52) қуйидаги мазмундаги **77<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«77<sup>1</sup>-модда. Ижро йиғими**

Суд ижрочиси томонидан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича харажатлар амалга оширилганлиги

учун қарздордан ижро йиғими ундирилади.

Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилган бўлса, ўша ижро ишига кўшиб қўйилади ва алоҳида ижро иши юритишни кўзғатмасдан ижро этилади.

Ижро йиғимининг миқдори ва ундирилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

53) **78-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** «қаноатлантириш» деган сўздан кейин «ва қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда ижро йиғимини қоплаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

54) **80-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қарздорга бир неча талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича солинган ижро йиғимлари ушбу модданинг биринчи-олтинчи қисмларида белгиланган тегишли талабни қаноатлантириш учун мўлжалланган кетма-кетликка мувофиқ ундирилади. Бунда қарздорга номулкий хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича солинган ижро йиғимлари, шунингдек қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулк мулк хусусиятдаги ижро ҳужжатлари бўйича ундирувчига ўтказилган ҳолларда биринчи навбатдаги талабларга тенглаштирилади»;

55) **81-моддадаги** «суд» деган сўз «хўжалик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56) **82-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«82-модда. Ижро ҳужжатини ижро этмаганлик ва унинг ижросига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик**

Ижро ҳужжатини ижро этмаганлик, шунингдек унинг ижросига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади»;

57) **83-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўрта махсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси суд ижрочиси бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси катта суд ижрочиси бўлиши мумкин.

Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади. Катта суд ижрочилари ва суд ижрочиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Суд департаменти директори билан келишилган ҳолда Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочиси ҳокимият вакили ҳисобланади ва хизмат вазифаларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги формали кийим-бош кияди.

Суд ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимларининг мансаб даражалари берилади.

Суд департаментининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочисидир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишинча бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир.

Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари ходимлари суд ижрочилари мақомига эга бўлади»;

58) қуйидаги мазмундаги **83<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«83<sup>1</sup>-модда. Бош суд ижрочиларининг ва улар ўринбосарларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари:

қўйи турувчи суд ижрочиларидан ижро иши юритиш материалларини, ҳужжатлар ва ижро ҳужжатининг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилиб олади;

ижро иши юритиш, шу жумладан, у ёки бу ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича ёзма кўрсатмалар беради;

суд ижрочиларининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилади;

суд ижрочиси ижро иши юритиш жараёнида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган тақдирда, уни ижро ҳаракатларини бундан буён амалга оширишдан четлаштиради;

суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларига доир шикоятларни кўриб чиқади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

59) **84-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда: давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молиявий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган, қарздорга қарашли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда эса бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва шу жумладан, турар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда омборларни мажбуран очиш ва холислар иштирокида кўздан кечириш, ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлмаганда эса бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойлар ва омборларда суд ажрими асосида амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда ўзга қимматликларини хатлаш;

қарздор ва унинг дебиторларининг ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларини ундириш ҳақида инкассо топшириқномаларини қўйиш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун ҳаражатларни қарздорнинг ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга уни

ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраб мурожаат этиш;

ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чақириш;

ижро йиғимларини, суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро ҳаражатларини ундириш;

қарздор жисмоний шахсга, унинг мол-мулкига ёки олиб қўйилиши лозим бўлган болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича, шу жумладан, ижро усули ва тартибини ўзгартириш масаласида судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида, зарур ҳолларда, ички ишлар органларининг ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

ижро ҳужжатлари талабларини узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган қарздорларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш, шунингдек суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

ушбу Қонунда белгиланган тартибда мол-мулкни баҳолаш;

мол-мулкни баҳолаш учун мутахассисларни жалб этиш; қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига вақтинча чеклаш - белгилаш ҳуқуқига эга.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

60) **86-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда қабул қиладиган қарорлари (ижро иши юритишни кўзғатиш, ижро йиғимини ундириш, жарима солиш ва бошқалар) ижро ишини юритишдаги тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига дахлдор бўлса, суд ижрочиси тегишли қарор чиқаради, у ижро ишига қўшиб қўйилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ижрочисининг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузилмаган ҳолда чиқарилади ва алоҳида ижро иши юритиш кўзғатилмасдан ижро этилади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида судга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

61) қуйидаги мазмундаги **86<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«86<sup>1</sup>-модда. Суд ижрочисининг қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш**

Хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича суд ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро ҳужжатини берган хўжалик судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ҳолларда суд ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар қилинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Суд ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин»;

62) қуйидаги мазмундаги **89<sup>1</sup>** ва **89<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«89<sup>1</sup>-модда. Суд департаментининг фаолиятини ташкил этиш**

Суд департаменти органларининг фаолиятини ташкил этиш, вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Суд департаменти органларида хизматни ўташ, Суд департаменти органлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Суд департаменти органлари ижро иши юритиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлашни қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ таъминлайди. Ижро иши юритишлардаги ижро ҳужжатларининг ва бошқа ҳужжатларнинг олиб қўйилишига фақат суд қарори асосида ёки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Ижро иши юритишларни олиб бориш, шу жумладан, уларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Суд департаменти Суд департаменти органлари томонидан кўзғатилган ижро иши юритишлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритади.

**89<sup>2</sup>-модда. Ички хавфсизлик инспекцияси**

Суд департаменти тизимида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилади, у Суд департаменти органлари ходимлари томонидан гайриқонуний ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича иш олиб боради, хизмат текширувларини ўтказиши, Суд департаменти органларини ҳалол ва касбий тайёргарликка эга бўлган кадрлар билан тўлдириш учун номзодларни ўрганади, Суд департаменти органлари ходимларини уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлардан, ходимларнинг ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни тажовузулардан ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Ички хавфсизлик инспекцияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади»;

**63) 90-модда:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан республика бюджет-маблағлари» деган сўзлар «Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд департаменти органлари махсус автотранспорт воситалари, шу жумладан, Суд департаментига мансублигини англатувчи махсус чироқли сигналларга, бўёқларнинг рангли график схемаларига эга бўлган автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа махсус воситалар билан таъминланади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474-II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, N 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 12, 414-модда) **50-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилди».

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 14 январь  
ЎРҚ-199-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ВА КРЕДИТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 52-сон, 528-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1.6-банди ижросини таъминлаш, шунингдек экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестицион фаоллиги ўсишини рағбатлантириш ва модернизациялаш, аҳоли бандлигини оширишга кўмаклашиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясига (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни

ҳисобдан чиқариш бўйича муурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқи берилсин.

2. Экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича муурожаатларини Комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комиссияга:

банкларнинг илгари берилган кредитлари бўйича экспорт қилувчи корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун бюджет маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва бошқа акциядорларнинг маблағлари-

дан ажратилган мақсадли маблағлардан берилган кредитлар ҳисобига корхоналар томонидан янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, товарларни реализация қилиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)нинг прогноз параметрларига эришилишига кўмаклашиш;

ишчи органнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини ҳар ойда кўриб чиқиш юклансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 31 декабрь  
290-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 31 декабрдаги 290-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА МУДДАТИ ЎТКАЗИБ  
ЮБОРИЛГАН ВА ЖОРИЙ ҚАРЗЛАРИ СУММАСИНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА ЖАРИМА  
САНКЦИЯЛАРИ ВА ПЕНЯЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА МУРОЖААТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ  
НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА СОТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ  
ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармонида мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича муурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ишчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси;

**экспорт қилувчи корхона** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қиладиган, янги қурилишни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширадиган ҳамда экспорт қилинадиган маҳсулотга экспорт нархлари ва талаб пасайиши муносабати билан вақтинча молиявий қийинчиликларга дуч келаётган корхона;

**банк** — экспорт қилувчи корхонага кредит берган тижорат банки;

**муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш** — кўрсатиб ўтилган экспорт қилувчи корхонанинг молиявий ҳолати вақтинча ёмонлашганлиги муносабати билан кредитни қайтариш ва фоизлар тўлаш муддатларини узайтириш, кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларни қайтариш бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) юзасидан экспорт қилувчи корхонага берилган кредит бўйича шартноманинг бирламчи ёки илгари қайта кўриб чиқилган шартларини ўзгартириш;

**кредитлар бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш** — экспорт қилувчи корхонанинг банк олдидаги қарзларини кўрсатиб ўтилган экспорт қилувчи корхонанинг молиявий ҳолати вақтинча ёмонлашганлиги муносабати билан асосий қарз ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун қўлланилган жарима санкциялари ва ҳисобланган пеня суммасига камайтириш;

**экспорт қилувчи корхонанинг муурожаати** — экспорт қилувчи корхонанинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва

пеняларини ҳисобдан чиқариш бўйича расмий ёзма муурожаати (илтимосномаси).

3. Ушбу Вақтинчалик низомнинг амал қилиши қуйидагилар:

маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камида 20 фоизгача пасайтириш бўйича асосланган молиявий режа, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг материаллар ва энергия сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини мақбуллаштириш;

илгари амалга оширилган ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни барқарор экспортга етказиб беришни ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 30 фоизи ҳажмида бўлиши ва жаҳон молия танглигининг таъсири натижасида экспорт маҳсулотга нархнаво ва талаб пасайгунгача амал қилган экспорт контрактларга эга бўлиш мавжуд бўлганда фақат эквивалентда 500 минг АҚШ долларида ортиқ қийматли янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назарда тутадиган экспорт курувчи корхоналар фаолиятига жорий этилади.

4. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарнинг кредитларини таркибий ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

**II. КОМИССИЯНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ**

5. Комиссия юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарга берилган кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича банклар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг хулосаларини кўриб чиқиш;

банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарга берилган кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда банклар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва экспорт қилувчи корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган қарзлари ҳосил бўлишига олиб келадиган омилларни барта-

раф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

### **III. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА МУДДАТИ ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН ВА ЖОРИЙ**

#### **ҚАРЗЛАР СУММАСИНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ ВА ПЕНЯЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

6. Банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш учун экспорт қилувчи корхона ишчи органга мурожаат қилишнинг ҳолисона сабабларини, юзага келган вазиятдан чиқиш ва тўлов қобилиятини тиклашнинг асосланган йўлларини кўрсатган ҳолда расмий ёзма мурожаатни тақдим этади.

7. Экспорт қилувчи корхонанинг расмий ёзма мурожаатини Ишчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир кун муддатда амалга оширилади.

8. Экспорт қилувчи корхона айна бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва банкка қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаатни тақдим этади:

белгиланган тартибда тасдиқланган янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий асослаш) ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб), шунингдек ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;

экспорт қилувчи корхонани бошқаришнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камида 20 фоизгача пасайтириш бўйича молиявий режа, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг материаллар ва энергия сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини мақбуллаштириш, шунингдек ушбу молиявий режани амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;

2006 — 2008 йиллар мобайнида тузилган экспорт контрактлари ҳамда ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг экспортга етказиб берилиши ва экспорт бўйича валюта тушуми тўғрисидаги ахборот;

банкнинг экспорт контрактлари бўйича валюта маблағлари рўйхатдан ўтказилиши ва ҳаракати ҳақидаги, шунингдек давлат божхона хизмати органларининг — экспортга юқлаб жўнатиш тўғрисидаги ёзма тасдиқномалари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган 2008 йилда нарх-наво ва талабнинг энг яхши ва энг ёмон кўрсаткичлари даврида экспорт маҳсулотга нархлар ва талабнинг динамикаси тўғрисидаги ахборот.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва банк кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлар суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишда экспорт қилувчи корхонадан кўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

10. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини банк, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқиш муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

11. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини кўриб чиқиш:

банк томонидан — экспорт қилувчи корхонанинг мурожаати қондирилган ва шартлар ўзгармаган тақдирда, шунингдек экспорт қилувчи корхонанинг мурожаати қон-

дирилган тақдирда илгари берилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш учун экспорт қилувчи корхона томонидан кўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномасида назарда тутилган экспорт маҳсулотга нарх-наво ва талабнинг пасайиши ҳамда кредитнинг қайтарилиши, тўлай олиши ва муддатлилиги ўртасидаги сабабли ўзаро алоқани аниқлаш, экспорт қилувчи корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини қиёсий баҳолаш ва илгари берилган кредитларни қайтариш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан — янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда экспорт қилувчи корхонани янада ривожлантириш истиқболлари бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилишини баҳолаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан — маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, шунингдек корхонани молиявий соғломлаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар бўйича экспорт қилувчи корхонанинг молиявий режаси бажарилишини таҳлил қилиш юзасидан амалга оширилади.

12. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан ишчи органга кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлар суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида хулоса киритилади.

13. Ишчи орган бир кун муддатда экспорт қилувчи корхонага ва Комиссияга банкнинг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг хулосасини юборади.

14. Комиссия икки ҳафта муддатда тақдим этилган хулосаларни кўриб чиқади ва банкка илтимоснома юбориш ёки экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини қондиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Комиссиянинг қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ҳамда банкка ва экспорт қилувчи корхонага юборилади.

16. Комиссиянинг экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини қондириш тўғрисидаги илтимосномаси тўғрисидаги қарорини олишда кредитни таркибий ўзгартириш бўйича тўпланиб қолган ҳужжатлар бир ҳафта муддатда тегишли қарор қабул қилиш учун банкнинг кредит кўмитаси кўриб чиқиши учун киритилади. Банк қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ кредит кўмитасининг қарорини қабул қилиш учун зарур кўшимча ахборотни экспорт қилувчи корхонадан сўрашга ҳақлидир.

17. Банкнинг кредит кўмитаси ҳужжатлар киритилган кундан бошлаб 2 кун мобайнида кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарздорлик суммасини таркибий ўзгартириш ва/ёки жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида қарор қабул қилади.

18. Кредит кўмитаси томонидан кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарздорлик суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк банкнинг кредит кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб 2 кундан кечикмай рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда Комиссияни ва экспорт қилувчи корхонани ёзма шаклда хабардор қилади.

19. Кредит кўмитасининг қарори ижобий бўлган тақдирда банк қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ экспорт қилувчи корхона билан кредит бериш шартларига киритилаётган ўзгартиришлар

тўғрисида кредит шартномасига қўшимча тузади, кредит бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаради ҳамда таркибий ўзгартирилган кредитни қайтаришнинг янги жадвалини тасдиқлайди.

20. Банк банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ экспорт қилувчи корхоналарнинг таркибий ўзгартирилган кредитлари монито-

рингини амалга оширади.

21. Таркибий ўзгартирилган кредитни қайтариш жадвали бузилган тақдирда банк кредитнинг муддатида қайтарилмаган қисмини экспорт қилувчи корхонанинг банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамидан кредит шартномасида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ ТАРҚАТИШДА АҲОЛИГА СОТИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 декабрда 608-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 52-сон, 530-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини муво-

фиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 12 январда тасдиқланган Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига (1999 йил 21 январь, рўйхат рақами 608) иловага\*\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази  
Бош директори  
К.ТОЛИПОВ.

Тошкент ш.,  
2008 йил 27 ноябрь  
2008-39-сон.

\*2008 йил 29 декабрдан кучга киради.

\*\*Илова рус тилида берилади.

ПРИЛОЖЕНИЕ

к приказу генерального директора  
Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг  
при ГКИ РУз от 27 ноября 2008 года № 2008-39

## ИЗМЕНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПОРЯДОК РЕАЛИЗАЦИИ АКЦИЙ ПРИВАТИЗАЦИОННЫХ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ФОНДОВ НАСЕЛЕНИЮ ПРИ ПЕРВИЧНОМ РАСПРОСТРАНЕНИИ

1. Пункт 1.1 изложить в следующей редакции:

«1.1. Настоящий Порядок в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 сентября 1998 года № 410 определяет порядок взаимодействия организаций, участвующих в распространении акций ПИФов».

2. Пункт 1.2 изложить в следующей редакции:

«1.2. В настоящем Порядке используются следующие понятия:

**Приватизационный инвестиционный фонд (ПИФ)** — открытое акционерное общество, которое осуществляет следующие виды деятельности: привлечение средств в ценные бумаги приватизируемых предприятий за счет эмиссии собственных акций, инвестирования собственных средств и полученных специальных государственных кредитов; торговля ценными бумагами; участие в качестве акционера в развитии и повышении эффективности предприятий, акциями которых он вла-

деет;

**Доверительный управляющий инвестиционными активами (ДУ)** — юридическое лицо, осуществляющее деятельность по управлению инвестиционными активами инвестиционных фондов;

**Центр по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимущество Республики Узбекистан** (далее — Центр) — уполномоченный государственный орган по регулированию рынка ценных бумаг;

**Центральный депозитарий ценных бумаг** (далее — депозитарий) — государственный депозитарий, который обеспечивает единую систему хранения, учета прав и движения эмиссионных ценных бумаг по счетам депо в депозитариях;

**Распространитель** — ДУ ПИФа или иной профессиональный участник рынка ценных бумаг, имеющий право совершения операций по купле-продаже ценных бу-

маг, с которым ДУ заключил договор о распространении акций ПИФа;

**Пункт распространения акций ПИФов (ПР)** — пункт распространителя по приему заявок и денежных средств на покупку акций от граждан и выдачи акций или сертификатов;

**Покупатель** — инвестор — физическое лицо, являющееся гражданином Республики Узбекистан».

3. В пунктах 2.2, 3.1, 3.5, 3.7, 3.8, 4.2 и 4.6 слова «УК» и «управляющей компании» заменить словом «ДУ».

4. Пункты 2.3, 3.2, 3.10, 3.12 и 3.13 признать утратившими силу.

5. В пункте 3.3: в абзацах первом и седьмом слово «УК» заменить словом «ДУ»;

абзац четвертый изложить в следующей редакции: «уникальный код и номер ПР распространителя».

6. Из пункта 3.4 слова «институциональному» и «институциональный» исключить.

7. В пункте 3.9: из подпункта 3.9.1 слова «институциональному распространителю или» исключить;

подпункт 3.9.3 изложить в следующей редакции: «3.9.3. Депозитарий по итогам проведенных операций передает данные об акционере и количестве приобретенных им акций распространителю».

8. Пункт 3.11 изложить в следующей редакции: «3.11. Депозитарий в течение 3-х рабочих дней со дня исполнения перевода акций со счета ПИФа на счет покупателя распечатывает выписки со счета депо и передает их распространителю. При этом депозитарий предварительно рассортировывает выписки со счета депо по распространителям.

Не допускается отказ покупателя от акций после того, как распространитель отправил заявку в депозитарий. Если покупатель не пришел за выпиской со счета депо, то и в этом случае он остается владельцем акций».

9. Пункт 3.15 изложить в следующей редакции: «3.15. Акции ПИФов реализуются населению в течение шести месяцев после регистрации проспекта эмиссии. ДУ извещает распространителей о дате и времени прекращения приема заявок от покупателей».

10. Пункт 3.16 изложить в следующей редакции: «3.16. Распространитель обязан прекратить продажу акций ПИФов населению по истечении шести месяцев со дня регистрации проспекта эмиссии и не позднее одной недели перевести денежные средства за проданные акции на расчетный счет ПИФов, а также предста-

вить сведения о покупателях в депозитарий, после чего депозитарий подводит итоги и формирует реестр».

11. В абзаце втором пункта 4.1 слова «счета Депо» заменить словами «уникального кода депонента в Единой базе депонентов».

12. В пункте 4.3 слова «и институциональный распространитель обязаны» заменить словом «обязан».

13. В пункте 4.4 слова «и институциональный распространитель несут» заменить словом «несёт».

14. В пункте 4.7 слова «УК должна» заменить словами «ДУ должен».

15. В приложении № 1:

а) в позиции 16: в колонке «Назначение поля» слова «сберкассы или фондового магазина» заменить словом «ПР»;

из колонки «Примечания и правила заполнения поля» предложение второе исключить;

б) в колонке «Назначение поля» позиции 17 слова «сберкассе или порядковый номер покупателя в регистре фондового магазина» заменить словом «ПР»;

в) в колонке «Примечания и правила заполнения поля» позиций 18 и 19 слова «управляющей компании» заменить словами «доверительного управляющего инвестиционными активами»;

г) в «Структуре DBF-файла, передаваемого распространителям Национальным депозитарием «Вакт»:

в наименовании слова «Национальным депозитарием «Вакт» заменить словами «Центральным депозитарием ценных бумаг»;

в позиции 2 слова «сберкассе или порядковый номер покупателя в регистре фондового магазина» заменить словом «ПР»;

в позиции 3 слова «сберкассы или фондового магазина» заменить словом «ПР».

16. В приложении № 3: слова «инвестиционного института» заменить словами «профессионального участника рынка ценных бумаг»;

слово «(сберкассы)» заменить словом «(ПР)».

17. Настоящие изменения согласованы с Центральным депозитарием ценных бумаг.

**Генеральный директор  
Центрального депозитария  
ценных бумаг  
Ш.АБДУЖАББАРОВ.**

г. Ташкент,  
27 ноября 2008 г.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАРДА ЭКСПОРТ ВА БАРТЕР КОНТРАКТЛАРИНИ ҲИСОБГА  
ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
23 декабрда 954-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 52-сон, 532-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги тахрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 206-модда) ҳамда Ўзбекистон Респуб-

\*2009 йил 2 январдан кучга киради.

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 9 августдаги 189-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон, 246-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 393-сон билан тасдиқланган

«Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2000 йил 9 август, рўйхат рақами 954 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 15-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 ноябрь  
393-3-сон.

ЎзР МБ бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 393-3-сон қарорига  
ИЛОВА

### ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАРДА ЭКСПОРТ ВА БАРТЕР КОНТРАКТЛАРИНИ ҲИСОБГА ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 1-бўлим:

а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хориждаги корхона – Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатларда таъсис этилган савдо уйлари, ваколатхоналар (шу жумладан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда), корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари»;

б) бешинчи-ўн иккинчи хатбошилар тегишинча олтинчи-ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«экспортчилар – юридик шахслар, шунингдек юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар, – хорижий шериклар билан экспорт ва бартер контрактларини тузган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳамда хориждаги корхоналарнинг манзилига товарларни олиб чиқувчи Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари»;

г) саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«**товарлар экспорти** – қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш»;

д) ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
**ишлар (хизматлар) экспорти** – ишларни (хизматларни) бажариш (кўрсатиш) жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси томонидан чет эл юридик ёки жисмоний шахсига ишларни (хизматларни) бажариш (кўрсатиш);

е) 1.1-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ўзбек инвестициялари иштирокида» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 2-бўлимдаги:

а) 2.1-банднинг 2.1.4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.1.4. товарларни хориждаги корхона манзилига олиб чиқиш шартномалари (контрактлари)ни ҳисобга қўйишда – хориждаги корхона таъсис этган ташкилотнинг тегишли маълумотномаси»;

б) 2.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган экспорт ва бартер контрактлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейингина ваколатли банкларда ҳисобга қўйилади»;

в) 2.5-хатбошидаги:

2.5.7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2.5.7. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган экспорт ва бартер контрактларида контракт асл нусхаси-

нинг ҳар бир варағида тегишли штамп ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ваколатли мансабдор шахсларининг имзоси бор-йўқлиги текширилади»;

2.5.9-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 4-бўлим 4.2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган контрактлар бўйича контрактни рўйхатдан ўтказиш сертификати санаси ва рақами».

4. 5-бўлимдаги:

а) 5.4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Экспортчилар томонидан хориждаги корхоналар манзилига товарлар олиб чиқилиши консигнация шартномалари (контрактлари) ва бошқа турдаги шартномалар асосида – ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотномани тақдим этмасдан амалга оширилади. Экспортчининг талабига биноан хизмат кўрсатувчи ваколатли банк томонидан тузилган шартномалар (контрактлар) бўйича валюта тушумининг келиб тушиши ҳақида маълумотнома берилади»;

б) 5.7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.7. қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда экспорт тушуми ёки товарлар келиб тушмаган ёки нотўлиқ келиб тушган тақдирда, товар божхона расмийлаштирувидан ўтган кундан (божхона юк декларациялари реестрлари маълумотлари ва божхона юк декларацияларининг нусхаларига мувофиқ) ёки ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган санадан (бажарилган ишлар, хизматлар далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар имзоланган санадан) бошлаб ваколатли банк ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунига қадар хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жойдаги ҳудудий солиқ органлари ва жойлардаги божхона органларини қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш учун ёзма равишда хабардор қилади.»

5. 6-бўлимдаги:

а) 6.1-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«хориждаги корхона манзилига олиб чиқилган ва транспортда ташиш ёки сақлаш жараёнида ёхуд экспортчига ва хориждаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келган товарлар бўйича, тегишли ваколатли орган экспертизаси далолатномаси ва (ёки) товарлар жойлашган мамлакат божхона органининг улар божхона назорати остида йўқ қилингани ҳақида тасдиқномаси асосида»;

б) олтинчи хатбоши тегишинча еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 9-бўлимдаги:

а) 9.6-хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9.6. Хорижий валютадаги тушумни яшириш ёки уни бошқаларга бериш далиллари аниқланганда солиқ органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланилади»;

б) қуйидаги мазмундаги 9.7-банд билан тўлдирилсин:

«9.7. Ваколатли банклар қуйидаги экспортчилар бўйича экспорт ва бартер контрактларининг алоҳида ҳисобини юритадилар:

қонунчилик билан белгиланган тартибда уларга нисбатан

**Давлат божхона қўмитасининг раиси  
С.НОСИРОВ.**

молиявий жазо ва бошқа чоралар қўлланилган экспортчилар; банкрот деб эълон қилинган ёки тугатилган ва юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилган экспортчилар».

7. 10-бўлим 10.1-бандининг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

8. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Давлат солиқ қўмитасининг раиси  
Б.ПАРПИЕВ.**

Тошкент ш., 2008 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**АУДИТОР МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
23 декабрда 977-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 52-сон, 533-модда)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 сентябрда 68-сон билан тасдиқланган Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғриси-

даги низомга (2000 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 977 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 19-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 декабрь  
112-сон.

\*2009 йил 2 январдан кучга киради.

ЎзР молия вазирининг 2008 йил 9 декабрдаги  
112-сон буйруғига  
ИЛОВА

**АУДИТОР МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ  
БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 2.1-банднинг 1-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий маълумотга ёки хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалент деб эътироф этилган олий иқтисодий маълумотга (мазкур Низомга 1-илова)\* эга бўлиш ва охириги ўн йил ичида камида уч йиллик бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида ёхуд шу соҳаларда дарс бериш амалий иш стажига (шу жумладан ўриндошлик бўйича) эга бўлиш;

ёки Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган иқтисодий бўлмаган олий маълумот ёхуд хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга эквивалент деб тан олинган иқтисодий бўлмаган олий маълумот билан охириги ўн йил ичида камида 5 йил аудитор, аудитор ёрдамчиси, бош бухгалтер, тафтишчи ёки солиқ инспектори сифатида иш стажига эга бўлиш, шу жумладан ўриндошлик бўйича;

ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациялаш ўтказилганлиги шарт билан) олинган иқтисод фанлари номзоди (доктори) илмий даражасига эга бўлиш».

\*Низомга 1-илова келтирилмайди.

2. 7.8-банддаги:

«дарҳол» сўзи «тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Аудитор малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида аризани ўз вақтида тақдим этмаслик аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун талабларини бузганлик деб ҳисобланади».

3. 8.1-банд:

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«аудиторнинг бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида аудиторлик фаолиятини амалга ошириши;


аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида муассис бўлиши фактининг аниқланиши»;

ўн саккизинчи-йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча йигирманчи-йигирма олтинчи хатбошилар этиб ҳисоблансин.

4. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан келишилган.

**Ўзбекистон аудиторлар палатасининг раиси  
Р.ҲАЙДАРОВ.**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 декабрь.



# ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 3-4 (184-185) 2009 йил 23 январь

Бўлғуси такдирот маросимлари,  
кўргазмалар, матбуот  
анжуманлари ҳақидаги  
матбуот-релизларни, хабарнома-  
таклифномаларни  
«Норма маслаҳатчи»  
таҳририятининг  
реклама хизматида 237-51-33  
телефон-факси орқали  
жўнатишингиз мумкин.



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади


Тўлов – исталган  
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

«Elit Stamp» МЧЖ

ТАЙЁРЛАЙДИ



## МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил штампчалар,  
шунингдек автоматик жиҳозлар

Манзил:

Қорасарой кўч., 270 (СОБИК туман ижроия қўмитаси), 4-қават  
мўлжал: Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси  
e-mail: elitestamp@mail.ru  
тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045

ЯНГИЛАНГАН NISSAN TIIDA

ХАРАКАТДАГИ ҚУЛАЙЛИК



Товар сертификатланган

## TIIDA

Ажойиб динамика ва ўзига хос кенг салон. Йўлдаги ишонч ва ички сайқалнинг юқори сифати.  
Ҳар бир деталнинг бекаму кўстлиги. Ишончлилик, хавфсизлик ва шинамлиқнинг ўзига хос муҳити.



SHIFT\_lifestyle

МАХСУС ТАКЛИФ

Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьютори Premium Autoкомпаниясидан. ☎ 295 88 77

Нархи 32 000 \$ дан\* 2 йил кафолат ёки 50 000 км босиш + ОСГО СОВФАГА

\*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олиб кўрсатилган

N306



«ИЖ АВТО» РАСМИЙ ДИЛЕРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

## ЯНГИ ЙИЛ АКЦИЯСИ!!!

1 ЙИЛ КАФОЛАТ (20.000 км)

Тўлов – исталган шаклда



ИЖ-27175



Ваз-21041

+ ОСГО  
+ СОВФА!

Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек кўч., 54 А. Т. 140-00-61/62, 110-41-43 (9.00 дан 18.00 гача)

\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	ОКРО	МФО	Манзили	Қарор рақами	Санаси
«ALQIM» ХФ	204261561	18820270	00837J	Магнитатор кўч., 18/20, 20	10-0814/15202	10.12.08
«KVANT BILLUR» МЧЖ	300202104	21560542	00963J	Юнусобод 13, 53	10-0814/15201	10.12.08
«MAISHIY XIZMAT MARKAZI» МЧЖ	202476224	16929643	00440J	Шахрисабз кўч., 1	11-0807/13882	15.10.08
«NAIMA XOSILA» ХК	205590864	20150782	00837J	Турғунбоева тор кўч., 4	10-0814/15293	10.12.08
«NAZI IRINA» ХФ	202679080	17160185	00400J	ТошГРЭС-28-37	10-0814/15204	10.12.08
«OLTIN SARI SAVDO» ХК	300564628	22100423	00837J	Уста Ширин кўч., 26	10-0814/15203	10.12.08
«QISHLOQ MASHXIZMAT» ХФ	202975054	17398343	00954J	Юнусобод, Отчопар кўч.	10-0814/15205	10.12.08
«QOMUS» ХФ	202403678	16872771	00400J	А.Темур кўч., 60а	11-0807/13880	15.10.08
«SARAFROZ.S» ХФ	204559387	19095821	00423J	Шахристон кўч., 45-90	11-0807/13878	15.10.08
«SHAAZ SAVDO PLUS» ХК	206566092	21159093	00421J	Хурматли кўч., 21	11-0807/13879	15.10.08
«UMG KOREYA» МЧЖ	205701162	20227680	00400J	А.Дониш ва Миробод кўч.	10-0814/15206	10.12.08
«VBS/BAS BAR» ОАЖ	204752544	19288618	00416J	Марказ-5-1-15	11-0807/13881	15.10.08
«YAKUZKARDEN» МЧЖ	204964485	19511430	00878J	Юнусобод 17, 17	10-0814/15200	10.12.08
«АМИН ТЕКСТ» ОАЖ	201099994	1726266	00432J	А.Темур кўч., 118	11-0807/13883	15.10.08

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 235-52-52, 234-71-99, 234-10-29.

\*\*\*

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 20 январдаги 11-0906/18-(19)-сонли ажримига асосан Зангиота туманидаги «УМИД - ФАРМ» МЧЖ ҳамда 11-0906/19-сонли ажримига асосан «GIDRAVLIKA - UTD» ШК соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган ва ягона Давлат реестридан чиқариш белгиланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Зангиота туман ДСИ ходими Ш.Латипов тайинланди. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, Давлат рўйхатидан ўтганлиги гувоҳномаси, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари ҳамда бошқа ҳужжатлар бекор қилинади. Корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар Қ.Ф.Й., Охунбоев кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел. 270-70-31.

**«LIGA AUDIT» МЧЖ**  
**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

Ташаббус тарзидаги ва мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказиш, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ ОАЖ, банклар ва сўғурта ташкилотларидан ташқари.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиқ солиш ва бошқа махсус масалалар бўйича консалтинг хизматлари кўрсатади.

**СЕРТИФИКАТЛАНГАН АУДИТОРЛАР ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ**

Тел.: 253-89-16, 253-28-44

00541-сон лицензия. 2008 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан давлат расмийлаштирилган.

**«ALINA AUDIT» МЧЖ**  
**АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади. Ахборотларнинг сир сақлиниши 100% кафолатланади.

Аудиторлик малака сертификатига (САР/СІРА) эга бўлган аудиторлар доимий ишга таклиф этилади.

Тел.: 921-11-21.

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси. 28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**

барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳамма турдаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Устав капиталлими - ЎзРдаги 5000 ЭҚИХдан ортиқ

**САР сертификатига эга аудиторлар керак.**

Телефонлар: 703-04-23, 412-04-60

**«OSIYO-AUDIT»** аудиторлик компанияси

ЎзР АВнинг 29.02.2006 йилдаги 00124-сон лицензияси (1908 йилдан бундан фойдаланиш ҳақида) 250 млн сўмга сўғурта полиси мавқид.

**Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари Барча турдаги аудиторлик хизматлари**

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади

Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:  
Нукус - (8-361) 350-40-35, Андижон - (+99897) 103-83-08, Бухоро - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Наманган - (+99869) 250-77-11, Навоий - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Қарши - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона - (+99873) 502-95-74, Хоразми - (8-361) 350-40-35.

ЎзР АВнинг 17.07.2008 йилдаги 00315-сон лицензияси.

**«Kafolat-Lyuks» ЁАЖ**  
**аудиторлик ташкилоти**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ва банклар, сўғурта ташкилотлари ва устав капитали 500 млн сўмдан юқори бўлган очик акциядорлик жамиятларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш. Ахборотларнинг сир сақлиниши ва ишончилиги кафолатланади.

Телефонлар: (8374) 226-04-15; (8374) 776-59-40;  
e-mail: umida-kafolat@mail.ru

Биз сизга хизмат кўрсатганимиздан курсандимиз!

**«AUDIT INCOME» МЧЖ**

барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказамиз

Н1375 **БАРЧА ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР:**

- аудиторлик
- солиқ солиш
- консалтинг
- тиклаш

Бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, «1С: Бухгалтерия», шунингдек янги барпо этилаётган ташкилотлар учун хизматлар ва бошқа малакали хизматлар.

Манзил: Тошкент ш., Сарабўстон кўч., 3а, 2/15 корпус

**тел.: (+99871) 256-25-18, 254-06-08**

e-mail: inkam\_co@mail.ru www.audit-income.uz

**Smart consulting company Group** «SMART EXPERT» МЧЖ мустақил баҳолаш компанияси

Хизматлар лицензияланган

- Асосий фондларни ҳар йилги қайта баҳолаш
- Кўчмас мулк, бинолар ва иншоотлар, тугалланмаган қурилишни баҳолаш
- Машиналар, ускуналар, автотранспорт ва қишлоқ хўжалик техникасини баҳолаш
- Бизнесни (корхонани мулкий мажмуа сифатида) баҳолаш
- Муайян объектларни устав фондига ҳисса сифатида бериш ва расмийлаштириш
- Банкнинг гаров таъминотини баҳолаш

Манзил: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳқўчаси, 75 («INKONEL» бизнес маркази биноси)

Тел.: (+99871) 1400664, факс (+99871) 1400665, уяли (+99897) 7372282

**РЕЛМОН-ГАРАНТ**  
адвокатлик бюроси

хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39  
919-39-10, 188-98-11

**ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!**

**TOP**

237-51-33  
237-47-20  
237-47-05

**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ !!!**

**WWW.restoran.uz**

**РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**

**Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимининг 2008 йил 19 сентябрдаги қарорига асосан тугатилиб давлат реестридан чиқарилган корхоналар РҲХАТИ**

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами	Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
«АВАНГАРД» КООП	200563394	1161-сон	«MARUF-AGRO» ХФ	203907800	1161-сон
«CARLSON WAGONLIT» МЧЖ	204017095	1161-сон	«ДОМ-СЕРВИС» ХФ	204053550	1161-сон
«MALIKA VA BEKLAR» МЧЖ	204370244	1161-сон	«TILAK» ХФ	204506129	1161-сон
«AZIM-OTA-AGRO» ХФ	204964730	1161-сон	«MANSUR-AKMAL» ХФ	204694442	1161-сон
«ARK-PEGAS» МЧЖ	203907792	1161-сон	«AL-VORIS-BARAKA» ШК	206420529	1161-сон
«MADIYOR-OG'A» ХФ	204559514	1161-сон	«UZSHAMS» ХФ	204017088	1161-сон
«RAMIZ-MEVA-SABZAVOT TAYORLOV» ХК	204744030	1161-сон	«ТАЯНЧ АГРО» ХК	206283841	1161-сон
«FIRDAVS» ХФ	203735834	1161-сон	«ZANGIOTA BARAKA» ШК	205769687	1161-сон
«МИРАЗИЗ» МЧЖ	200563275	1161-сон	«TILLABOEV-ZIYAUTDIN OTA» ХК	205268685	1161-сон
«XIZMAT» ХФ	200563379	1161-сон	«ZEND-AVESTA» МЧЖ	205444206	1161-сон
«ГУЛНОРА» ХФ	201740237	1161-сон	«DO'ST-BARAKA-SAVDO» МЧЖ	205954204	1161-сон
«РАВШАН» ХФ	202501263	1161-сон	«AQIDA-ZAMIRA» ДХ	204135131	1161-сон
«INOG'OMHOJI» ХФ	203980816	1161-сон	«BAXROM-AVAZ» ХК	204121617	1161-сон
«MANZURA DILSHOD QIZI» ХФ	204379595	1161-сон	«MUROD-MIRTEMIR» ХК	205718876	1161-сон
«JAMOL-IMPEX» МЧЖ	204538484	1161-сон	«SANITARIYA-TRANS» ШК	205640500	1161-сон
«KAMOLIDINBIZNES» ХФ	204691430	1161-сон	«НУРОНИЙ-ОМАД» КК	203901438	1161-сон
«BEXRUZ-FARXOD» ХФ	204716064	1161-сон	«ZIROAT NUR TAYYORLOV» ХФ	204736658	1161-сон
«ДҮСТ-ЗАНГИОТА» КК	200563727	1161-сон	«AVTOTRANSXIZMAT» УЮШМАСИ	202952050	1161-сон
«ЛОЧИН» ФИРМАСИ	200564757	1161-сон	«МУХИДДИН» МЧЖ	200563196	1161-сон
«OSIYO IMPEKSTCM4K»	203161759	1161-сон	«AKBAR-ZUHRA» ХФ	204878007	1161-сон
«GOFURJON» ХФ	200560145	1161-сон	«ХАСАН - МҮМИН» ХУСУСИЙ АГРОФИРМАСИ	200560304	1161-сон
«ULUG'BEK-HAMIDULLA» МЧЖ	204678248	1161-сон	«BISYOR QURILISH SERVIS» ХК	206658018	1163-сон
«MEHRINISOSERVIS» ХК	205227127	1161-сон	«BOG'ZOR OSHXONASI» ХК	206622624	1163-сон
«АГРОКИМЁ-НАРГИЗА МАХСУС ДҲКОНИ»	204084308	1161-сон	«SHAXRIYOR-DONIYOR BIZNES»	206432956	1163-сон
«SHOHSANAM-RAMZI» ХК	205217369	1161-сон	«ABILASHIM AGRO» ДХ	205302058	1163-сон
«UBAYXOJA AGRO» ХК	205798564	1161-сон	«BOZ-SUV'IABIY MEVASABZAVOT» АФ	206774562	1163-сон
«YANGI UMID» МЧЖ	205192513	1161-сон	«MAHANOV RAYIM» ДХ	205302041	1163-сон
«AZIZA-E'ZOZA LAYND» ХК	205700931	1161-сон	«SODIQ-ODIL BARAKA» ДХ	206766445	1163-сон
«SHARQ ISTIQLOLI» ШУЪБА ФИРМАСИ	204110599	1161-сон	«GULMIRA MANZURA» ДХ	205302065	1163-сон
«LILE» ХК	203758077	1161-сон	«ХО'JAXMAT O'G'J.I BEKTORA» ДХ	205302034	1163-сон
«SEMURG SAVDO SERVIS» МЧЖ	204847274	1161-сон	«GAIAYXYTRADH» МЧЖ	300609008	1163-сон
«BOZSUV QURILISH SERVIS» ХК	205630569	1161-сон	«DURDONA PLUS» МЧЖ	300570161	1163-сон
«САНОАТ» ХК	202317135	1161-сон	«NAZARBЕК AVTO SAVDO» МЧЖ	300377757	1163-сон
«UCHQUR-LOCHIN» ХФ	204570960	1161-сон	«NAFIS MEMOR-SERVIS» МЧЖ	206860353	1163-сон
«ТУРПУНБОЙ» ХФ	201995814	1161-сон	«ZANGIOTA BARAKA CHORVADOR» МЧЖ	206698965	1163-сон
«ТУУГ'UN-UCHQUN» ХФ	204265144	1161-сон	«ES PLUS-H DO'STLIK» МЧЖ	205857847	1163-сон
«БИНОКОР-ОСИЁ» ХФ	203797741	1161-сон	«ITTIFOQ GOSHT SUI»		
«STAEIL LYKS KREDIT» МЧЖ	206133434	1161-сон	TAYORLOV SAVDO» МЧЖ	300641524	1163-сон
«МАРМАР-Г» НИПО МЧЖ	201472776	1161-сон	«RISOLAT-MAXSUMA EAYZ» ХК	300636172	1163-сон
«РАФА-КОМОЛ» ХФ	204017095	1161-сон	«BOUMAS-BROK-SERVIS» ХК	300434425	1163-сон
«KRISTAL» МЧЖ	202963006	1161-сон	«ABDUMALIK ABDURAHIM BARAKA» ХК	300361944	1163-сон
«ТОЖ МАХАЛ» МЧЖ	201472665	1161-сон	«RUSTAM-TUZ OGA» ХК	300258864	1163-сон
«ORZU MAQSAD» ХФ	203146980	1161-сон	«OSIYO GAZ SERVIS» ХК	300064269	1163-сон
«АЗИЯ-СЕРВИС» ХФ	203429858	1161-сон	«ULUG'BEK-MAHMUDJON» ХК	206805790	1163-сон
«НАЙОТВАХШ BULOQ» МЧЖ	203925099	1161-сон	«JOHONGIR-FAYZ NET» ХК	206795670	1163-сон
«FAVEST-AUDIT» АТ МЧЖ	204605812	1161-сон	«NURI-CHO'L PON» ХК	206778651	1163-сон
«БЕХРУЗ» ХФ	203474273	1161-сон	«AVTO-KRUT» МЧЖ	205660856	1163-сон
«GOLDEN-DRINK» МЧЖ	204942631	1161-сон			
«ITTIFOQ-SERVIS» ХФ	204233793	1161-сон			
«DILSORABONU» ХФ	205097582	1161-сон			
«МУЗАФФАР-М» ХФ	201995860	1161-сон			
«MUNIS-ACHCHI» КК	203580768	1161-сон			

**IC:ПРЕДПРИЯТИЕ**

Базавий версиялар  
Стандарт ва малака  
версиялари  
Тармоқ версиялар  
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1С фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш

- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва оғбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва хисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

**1С:ФРАНЧАЙЗИНГ «UniSOFT»**

Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш

254-18-70, 273-95-95, 273-30-18, 186-30-18

Манзил: Тошкент ш., Катортал кўч., 60, 705-хона

**Компьютеры, ноутбуки, комплектующие и аксессуары**  
Мониторы: Samsung LCD и CRT 17", 19", HP L1940T (3 г. гарантии) Принтеры и сканеры: Canon LBP 2900B HP LJ P1005, 5200(A3), HP LJ1600 color, HP DJ 1460 photo, HP ScanJet G2410, G2710, Xerox Phaser Копировальные и многофункциональные машины: Canon IR2016, MF 3228, HP LJ M1120, XEROX WorkCentre, CopyCentre, фотокамеры HP Телефоны и радиотелефоны Panasonic KX-TS2350RU, 1105RU и факсы KX-FT932/934/938 СА-В Картриджи к принтерам и МФУ  
ЧП «KM SUBSYSTEMS» Тел.: 2457176, 2449916, 2459444. Факс 2449916  
ул. К.Ярматова, 14, 2-й этаж E-mail: kmj@sarkor.uz

**АСИС** "ASIAN COMMUNICATION TRANSPORT INVEST COMPANY"  
ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА-СИНГАПУР ҚЎШМА ҚОРХОНАСИ  
ЯПОН ВА АМЕРИКА ИШЛАБ ЧИКАРИШ  
ФИРМАЛАРИНИНГ РАДИОАЛОҚА УЧУН  
РАДИОСТАНЦИЯЛАРИ (РАЦИЯЛАРИ)НИ  
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ  
РАДИОСТАНЦИЯЛАР ВА  
МИНИ-АТЛАРНИ МОНТАЖ ҚИЛАДИ ВА  
СОЗЛАЙДИ  
РАДИОСТАНЦИЯЛАРНИ  
ТАЪМИРЛАЙДИ ВА УЛАРГА ТЕХНИК  
ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон, Тошкент ш., У.Носир кўч., 60, 1  
Тел./факс: +998 71 253-0276, 253-3176. E-mail: kvant@tps.uz

**SM-SERVICE**  
**ОФИС ТЕХНИКАСИНИ**  
**ТАЪМИРЛАШ ВА ТЎЛДИРИШ**  
Тошкент, М-5, 38-уй, 7-офис. Тел.: 235 1030, 234 7301, 237 6620 (ф.)

XEROX  
Canon  
HEWLETT  
PACKARD  
EPSON

**"INTEGRAL ASIA"**  
Ноутбукларнинг янги туркуми!!!

**DELL**

Универсал ва функционал Vostro

Ўркин, енгил ва жуда мобил Latitude D430

Ультраингичка портатив XPS M1330

3 йил тўлиқ кафолат!!!

фақат Dell Inc. ягона дистрибьютори  
"INTEGRAL ASIA" МЧЖда

Тел: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс 120-30-26

Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази

Хизматлар лицензияланган

Курслар ЎзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади (ЎзР МВнинг 59-сон лицензияси)

**АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ** - 200 соат

**АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ** - 60 соат

Халқаро сертификатлаш дастури (CAP) доирасидаги курслар

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1**

**БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1**

**СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ АУДИТ "БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси**

УУМдаги барча ўқитувчилар CAP ва ЎзР МВ сертификатлари соҳибларидирлар

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодий университетининг 10-қавати  
232-09-36, 733-41-51

**AGATA IMPEX LTD**

компьютерлар, серверлар, ноутбуклар, принтерлар, сканерлар, мфу ва кўплаб бошқа ускуналар...

**ТАРМОҚ УСКУНАЛАРИНИНГ КЕНГ АССОРТИМЕНТИ**

ZyXEL Абонант модемлари  
Симсиз тармоқ адаптерлари  
Модули IP NGN коммутаторлари

Маршрутизаторлар  
CISCO  
IP-телефонлар

Овозли шлюзлар  
D-Link  
Коммутаторлар  
IP-камералар  
Симсиз ускуналар

Саноат корхоналари, тижорат ташкилотлари, банклар, сугурта компаниялари, давлат муассасалари бюртмачиларининг кенг доираси учун комплекс тармоқ ва телекоммуникацион лойиҳаларни амалга ошириш

233 05 00 232 06 13 232 06 16 fax 236 79 02

КЎРГАЗМА САЛОНИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ  
Тошкент ш., Шахрисабз кўч., М-1 "Б"  
E-mail: agata@agatagroup.com www.agatagroup.com

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

**TOP**

237-51-33  
237-47-20  
237-47-05

**ПАЗАНДАЛИК СИРЛАРИ**

**Негадир кўпчилик мева ва сабзавотлар овқатланишимиздаги ягона ва асосий витаминлар манбаи эмаслиги ҳақида ўйлаб ўтирмайди ҳам.**

Инсон учун зарур витаминларнинг барчаси мева ва сабзавотларда бор деб ўйлаш нотўғри бўлади. Улар таркибида ҳақиқатан ҳам аскорбин кислотаси (С витамини), А витамини бор, бироқ В гуруҳидаги витаминлар деярли йўқ деса ҳам бўлади, Е, К, РР витаминлари ҳам оз миқдорда.

В гуруҳидаги витаминлар буйрак, жигар ва гўшда, Е – ўсимлик ёғида, К – товуқ гўшти, мол гўшти ва творогда, Д – денгиз балиғи ва сут маҳсулотларида мавжуд. Бу витаминлар маҳсулотларни истеъмол қилиш орқали организмга киради. Хўл меваларни ҳам ейиш керак, лекин улар организмни барча зарур витаминлар билан таъминлаб беролмайди.

Муаммо нафақат қайси маҳсулотлардан витаминларни излашда эмас, балки уларни парчалаб юбормасдан таом тайёрлашдадир.

**БИРИНЧИ МУАММО: ИССИҚЛИК**

